

Илхом Қаҳхоров



ҮКИНГ, ФАҚАТ ЙИҒЛАМАНГ

Илҳом ҚАҲХОРОВ

ЎҚИНГ, ФАҚАТ ЙИҒЛАМАНГ...

(ТАЪСИРЛИ ҲАЁТИЙ ВОҚЕАЛАР)

«Sano-standart» нашриёти
Тошкент – 2018

УЎК: 159.923.2

КБК: 84(5Ў)6

Қ 35

Илҳом ҚАҲХОРОВ

Ўқинг, фақат йиғламанг... /«Sano-standart» нашриёти,
Тошкент – 2018. – 96 бет.

Тақризчи:

Абдумурод Тилавов

филология фанлари номзоди

Атрофимиизда қалб кўзимизни очадиган, тафаккури-
мизга туртки берадиган воқеа-ҳодисалар бисёр. Фақат
унга ибрат назари билан боқсак бас.

Истеъдодли олим, нозиктаб шоир Илҳом Қаҳхоров
тасниф этган ушбу китобчани ўқиб, ибратланиш баҳти
барчамизга насиб этсин.

УЎК: 159.923.2

КБК: 84(5Ў)6

ISBN: 978-9943-5462-7-1



© Илҳом ҚАҲХОРОВ
© «Sano-standart» нашриёти, 2018

МУҚАДДИМА

ТАЪСИРЛИ ВОҚЕАЛАР ТҮПЛАМИ

Яхши ҳикоя – жонга малҳам, руҳга озуқа. Агар бу ҳикоя ҳозир яшаб турган замонимизда рўй берган воқеа бўлса, унинг таъсири янада кучлироқ бўлади. Унинг қалбимизгача етиб бориши, тушунишимиз, хис қилишимиз анча осон бўлади.

Нега ушбу ҳаётий воқеалар тўпламини “Ўқинг, фақат йиғламанг” деб номладик. Чунки ундаги бирорта ҳикояни йиғламай ўқиб бўлмайди! Ҳар ҳолда, ўзимиз уларнинг барчасини йиғлай-йиғлай қофозга туширдик. Ушбу қалбни юмшатадиган ҳикояларни атрофимиздаги кўрган-билганлардан, газета ва журналлардан, интернет саҳифаларидан йиғдик. Уларнинг баъзиларини манбаларини топдик ва кўрсатиб ўтдик, баъзиларини эса йўқ. Бу учун олдиндан узр сўраймиз.

Ушбу тўпламни чиқаришдан мақсадимиз – одамларимизнинг қалбини юмшатиш. Тан олиш керак, охирги ўн йилликларда қалбимиз дунёга муккасидан кетганилиги сабабли анча қотган, унча-мунча панд-насиҳатлар таъсир қилмайдиган бўлиб қолган. Ҳатто жума маърузаларида имомларимизнинг амри маъруф ва наҳийи мункарлари ҳам қулфланган қалбимизга кира олмай, бир қулоғимиздан кириб, иккинчисидан чиқиб кетадиган бўлиб қолган.

Психологларнинг хulosаларига қараганда, кўчадан кириб келган кишининг қалби дунё билан банд бўлиб, у қулфланган бўлади ва шу сабабдан унга панд-насиҳат кам таъсир қиласди. Ўша қулфланган қалбни очиш учун эса, унинг кўзига ёш келтирадиган даражадаги таъсирли бирор бир нарсани айтиб бериш керак экан. Уни эши-тиб (ёки ўқиб) кўзига ёш келдими, тамом, демак у қулф

очилибди! Энди у қалба ҳар қандай панд-насиҳат ҳеч қандай қаршиликсиз bemalol кираверади...

Қалб юмшаган сари инсон Аллоҳга яқинлашаверади, савобли амалларни күпроқ қилгиси келаверади, гунохлардан узоклашаверади. Күзимизга ёш келишидан уялмаслигимиз, аксинча, түйиб-түйиб йиғлаб олишимиз керак. Бунда қалб покланади, ундаги губорлар чиқиб кетади, енгил тортамиз, күпгина стрессга алоқадор касалликлардан фориғ бўламиз!

Ушбу китобчамиз оила даврасида ўқиладиган рисола бўлиб, ундан қўпчилик баҳраманд бўлишини ва ҳаққимизга дуода бўлишини орзу қиласиз...

Аллоҳ таоло барчамизга йиғлай оладиган юмшоқ қалбни ва солиҳ амалларни насиб айласин!

Илҳом Қаҳхоров

НОҚОБИЛ ФАРЗАНД

Оилада ёлғиз фарзанд эдим. Ота-онам мени еруқүкка ишонмасдилар. Ейиш-ичишимга, кийинишимга, юриш-туришимга кўп эътибор берардилар. Ўғлимиз ўқисин, яхши одам бўлсин деб жон куйдирадилар. Касал бўлиб қолсам ўзларини қўярга жой топа олмай, шифокорларга югуриб, мен билан бирга “касал” бўлар эдилар. Мен эса бу меҳрибончиликлардан талтая бошлидим.

Ўрта ҳол оила эдик. Ўз уйимиз, “Жигули” машинализ бор эди. Мактабни тугатиб безори болаларга қўшилиб кетдим. Ота-онамнинг панд-насиҳатларига, қайтариқларига қулоқ солмадим. Охири бир қалтис иш қилиб қўйдим. Мени қутқариш учун бечора отам машинасини ҳам сотди. Асаб бузилиши, руҳий азоблардан иккаласининг ҳам юраклари хаста бўлиб қолди. Лекин мен ношукур бу яхшиликларни билмас эдим, уларга қўпол гапирав, дилларини оғритар эдим.

Менинг ёмонлигимни қўшнилар ҳам билишар эди. Лекин, бечора онам, мени уларга яхши кўрсатиш учун ўзларининг янги либосларини олиб чиқиб, ўғлим менга байрамга совға қилди, ўғилгинам туғилган кунимга совға қилди, деб юрар эканлар. Мен ғофил фарзанд эса, умримда бир марта бўлса ҳам, ҳеч бўлмагандан пайпоқ ҳам совға қилмаган эдим.

Ҳеч уйда топилмасдим, фақат кечаси меҳмонхонага келгандек, тунагани келардим холос. Ўзимча кибрга берилиб, дадамнинг велосипедда юришидан ор қилиб, (аслида машинасини сотиб, велосипедда юришига ўзим сабабчи эдим), ўзим эса пиёда юришдан дўстларимдан уялиб, ота-онамдан яширинча Кореяга ишлашга кетиш учун хужжатларни тайёрладим. Мақсадим пул йиғиб

“Нексия” машинаси олиш эди. Ҳамма ҳужжатлар тайёр бўлгандан кейингина уларга кетишимни айтдим. Иккаласи ҳам норози бўлиб, йиғлаб қолишиди.

-Ўғлим, иккаламиз ҳам касалмиз, ёлғиз ўғлимизсан, ўлиб қолсак, сени кўрмай армонда кетмайлик. Мана шу уй сеники, машинани эса кейинроқ ҳам олармиз,-дэйишди. Лекин мен нодон кўнмасдан кетиб қолдим.

Кореядан пул ишлаб юбора бошладим. Отам бечора ўзларининг ҳам йиғиб қўйган пулларини қўшиб, янги “нексия” машинасини олиб қўйибдилар. Ўзлари бирор марта ҳам миниб чиқмасдан, дарвозахонага қўйганча, “ўғлим машина оламан, деб кетди, ўзи келсин, ўзи минсин,” деб велосипедда юраверибдилар.

Кореядан бир ойча телефон қилмадим. Шу орада отам бечора ”ўғлимга бирор нарса бўлдимикан”, деб зерикиб, юрак хуружидан вафот қилибдилар. Телефон қилганимда эса, онамнинг ҳам аҳволлари оғир экан. Тезда самолётга чипта топиб, учеб келдим. Лекин минг афсуски, улгура олмадим. Онам бечора кўзлари тўрт бўлиб, мени кута-кута, келишимдан икки соат олдин, мени кўра олмасдан, армон билан вафот этибдилар!

Жаноза, таъзия маракалари дабдабадор ўтди. Халқقا ош бердим, қабрларига тош қўйдим. Лекин на-доматлар бўлсинки, қалбим ҳеч тинчлана олмаяпти. Кечалари ухломай чиқаман. Кошки..., кошки эди уларни ҳеч бўлмаганда тушимда кўрсам, қилган ишларим учун кечирим сўрасам, розиликларини олсам, берган озорларимга тавба қилсам... Афсус... Афсуски энди кеч, жуда кеч!

Дарвозахонадаги нексияни мина олмайман, ичига ўтира олмайман, ҳатто унга қарай олмайман. Худдики мана шу нексия ота-онамни армонда кетишига сабабчи бўлгандек.

Омборхонага кириб деворга осиб қўйилган да-

дамнинг велосипедларига қарасам, кўзларимдан ёш шошқатор оқаверади, кўз ёшларимни ҳеч тўхтата олмайман. Велосипед билан худди дадам билан гаплашгандек гаплашаман, дардлашаман, армонлашаман. Ҳасратларимни айтиб, кўнглимни бўшатмокчи бўламан. Лекин афсуски энди кеч!

Онамга, онажонимга совға қилмаган “совғаларим”-ни, онаизоримнинг, армонда кетган онажонимнинг кийимларини олиб, кўзларимга суртиб йифлайман. Тирикликларида айттолмаган ширин сўзларни энди кийимларига айтаман. Лекин афсуски энди кеч, жуда кеч!

Мени охирги марта аэропортда кузатаётганларидага онажоним мени қаттиқ кучоқлаб, кўкрагимга бошлирини қўйиб йифлаган эдилар. Кучоқларидан ҳеч чиқаргилари келмаган эди. Энди билсан, онажоним мени охирги марта кўраятганларини сезган эканлар! Ўша юзларидаги армонли кўз ёшлари учун ўзимни ҳеч кечира олмайман.

Ота-онаси тирик биродарларга маслаҳатим шуки, уларни тириклик вақтларида қадрларига етинг, озор берманг, хизматларини қилиб, дуоларини олинг. Менга ўхшаб кеч қолиб, армонда, пушаймонда ўтманг.

МЕН СИЗ УЧУН АРМОН БЎЛДИМ!

Меҳрингизни, борингизни аямасдан,
Боламга деб югурдингиз, елдингиз.
Одам бўлсин, ўқисин деб чарчадингиз,
Лек мен сизга онажоним нима бердим?
Сиз учун-чи, отажоним нима қилдим?

Касал бўлсан табибларга югурдингиз,
Кечалари ухламасдан тик турдингиз.

Аллоҳим, Сен шифо бер, деб ёш тўқдингиз,
Лек мен сизга онажоним нима бердим?
Сиз учун-чи, отажоним нима қилдим?

Кариганда умид қилиб меҳру-шафқат,
Қўпол сўзни олдингиз-ку мендан фақат.
Фарзандимни асрагин, деб паноҳ сўраб,
Эвазига онажоним нима бердим?
Сиз учун-чи , отажоним нима қилдим?

Оқладимми “фарзанд” деган буюк номни?
Аядим-ку ахир сиздан кулча нонни.
Меҳмон қилиб ёзмадим-ку дастурхонни,
Онажоним, мен сиз учун нима қилдим?
Отажоним, мен сизларга нима бердим?

Кўшниларга мақтаркансиз мени доим,
Мен бўрмаган “совғаларим”ни кўрсатиб.
Менчи ноҳақ обрў олиб, хурмат олиб,
Эвазига онажоним нима бердим?
Меҳрга зор меҳрибоним, нима қилдим?

Тириклиқда ёнингизга келмас эдим,
Дунё учун кеча-кундуз тинмас эдим.
Кетдингиз-ку тўёлмасдан дийдоримдан,
Онажоним, мен сиз учун армон бўлдим,
Соғинганда сизни излаб, сарсон бўлдим.

Ота-онам ҳали тирик, улгураман,
Дуо олиб хизматларини қиласман.
Деб юрадим, лек минг афсус, улгурмадим,
Онажоним, мен сиз учун армон бўлдим,
Отажоним, дард устига чипқон бўлдим.

Жанозангиз куни бериб халқقا мен ош,
Юзлаб одамларга бўлдим ўзимча “бош”.
Аммо кечдир, қалбимда ёш, кўзимда ёш,
Онажоним, мен сиз учун армон бўлдим,
Қабрингизни тепасида гирён бўлдим.

Фарзандларим жовдираб қараб турар,
Қайтар дунё, бир кун улар ҳам қайтарар.
Ўшандা дилим пушаймон бўлиб айтар:
Онажоним, мен сиз учун армон бўлдим,
Отажоним, мен сизларга армон бўлдим.

Эй, фарзандлар, кўзни очинг бу ғафлатдан,
Ҳали тирик ота-онангиз ўлмасдан.
Хизмат қилинг, дуо олинг кеч бўлмасдан,
Мен нодон-чи, онажоним нима қилдим?
Отажоним мен сизларга армон бўлдим.

(Илҳом Қаҳҳоров)

Ушбу ҳаётий воқеа ҳар биримизга дарс бўлиши керак. Хатолик, аввало, ота-она томондан ўтган: улар фарзандга бор меҳр-муҳаббатларини берганлар, унинг моддий таъминоти учун юргурганлар, аммо унга динни ўргатмаганлар. Аллоҳни танимаган банда эса, гарчи у дунё олими бўлиб етишса-да, охират илмидан бехабарлигича қолаверади, Худодан қўрқмайди, гуноҳ ишлардан тап тортмайди, дилозорлик қолаверади...

Албатта, бирор марта масжидга бормаган, ота-она ҳақида оят ва ҳадисларни эшитмаган, “Жаннат оналар оёғи остида”лигини, “Ота рози – Худо рози”лигини билмаган фарзанддан нимани ҳам кутиш мумкин?!

ФАРИШТАНИНГ ДУОСИ!

Уни касалхонага оғир аҳволда олиб келишди. Кучли зарбалардан ички аъзолари ҳам ёрилиб кетган эди. Тезкор гурух чақирилмагунга қадар бу ишни ким қилганини шифокорлар била олмади. Боланинг тепасида иззиллаб йиғлаётган она кўксига муштлар, аммо ниманидир яшираётгани кўзларидан маълум эди. Терговчи, бола бечора катта одамнинг тепкиси туфайли шу аҳволга тушганини аниқлагунича, у сунъий нафас аппаратига уланган, жони қил устида эди.

Шундагина аёл, эрининг ишлари юришмай, аламини ичкиликдан олаётганини айтиб, кўзида ёш билан илтижо қилди:

-Ичиб келганларида ошхонада эдим. Одилжон йўлақда ўйнаётган экан. Ёш болада, дадасининг қай аҳволда келганини билмай музқаймоқقا пул сўрабди... Кўрганимда шу иш бўлмасди.

Афсус, унинг аҳволи ёмонлашди. Қўлларидан келган чораларни кўриб, етказилган жароҳатлар ҳаёт билан зид эканидан иложсиз қолган шифокорлар онаизорни унинг олдига киргизишди. Кома ҳолатида ётган болакай юз-қўллаларини ўпиди йиғлаётган онасининг овозидан ўзига келиб, кўзларини очди. Оғзига тиркалган сунъий нафас олиш аппаратини олиб ташлаб, гапиришга ҷоғланди:

-Ойижон, мен музқаймоқقا эмас, дори учун пул сўраган эдим. Юрагингиз санчаётганини айтган эдингиз. Шунга....

У оғир нафас ола бошлади. Аммо шошиб қолган докторларни тўхтатиб, гапларини айтиб олмоқчи эканини ишора билан тушунтирди.

-Ойижон, йиғламанг! Дадам энди ичмайди.

-Эй, ичмай ўлсин! Сени шу аҳволга солгандан кўра, оёқлари синса бўлмасмиди?

-Ойижон, қарғаманг! Оёқлари синса, юра олмайдилар-ку.

У эшикка умидвор термулди. Агар ҳозир отаси кириб келса, бағрига отилиб, маҳкам қучоқлашга тайёр эди. Икки соат аввал кўзи қонга тўлиб, ваҳшийларча дўппослаган малъунни эмас, бир вақтлар елкасида кўтариб, у билан ўйнаган, дўконга етаклаб чиқиб, ўйинчоқлар олиб берган меҳрибонини сўнги бор кўргиси келди. Умиди сўнгач, бир чеккада турган терговчини ёнига чақирди.

-Милиса тоға, илтимос, дадамни қамаманг. Улар жуда яхши одам. Мана кўрасиз, яна аввалгидай яхши дада бўлади. Чунки мен фариштага айланиб, уни ҳар доим дуо қилиб тураман.

-Турли жиноятларни кўравериб кўзи пишиб кетган тажрибали орган ходими ўзини тўхтата олмади. Кўзларидан шошқатор ёш қуйилиб, болага ваъда бергачгина унинг жони узилди...

Аммо, қонун ҳар қандай ваъдадан устувор эди. Оиласи ва бошқа болалари борлиги инобатга олиниб, енгилроқ жазо тайинланди. Ота бу гуноҳни кўтара олмай, қамоқдаёқ жонига бир неча марта қасд қилди, ўла олмади. Панжара ортидаги хўжайнилар эса, маҳкум, атайин, шу гуноҳ билан яшashi учун уни жазоламадилар....

Мижжаларига қалқиган ёш билан воқеани ҳикоя қилиб берган онаизорга юзландим:

-Эрингиз қамоқдан чиқиби. Энди ичмай кўйдими?

У чукур хўрсинди. Кўлида беш ёшлардаги ширингина ўғлининг жилмайиб турган суратини кўрсатар экан, овози титраб жавоб қайтарди:

-Ха, инсоф берди. Аммо, катталарнинг ақли кириши учун, шундай фаришталарнинг кўпайиши шартмикан? У дадасининг тушига кирганида ҳам фақат дуо қилади...!

Ушбу воқеа ҳар бир ичувчи кишига ибрат бўлиши керак. Ақлли инсонлар бошқаларнинг бошига келган яхшиликлардан ўгит олиб, яхшиликка интилишлари лозим. Ёмонликларидан ибрат олиб, улардан узокроқ бўлишга ҳаракат қилишлари ва ўзларини саклашлари шарт.

Ичкилик кишини қай аҳволга солиши, ҳатто ваҳший қилиши мумкинлигини кўряпсиз. Ақли бор одамлар бундан ибрат олишлари керак.

ЭСЛАТМА

Кунлардан бир кун, бир киши яхши кайфиятда, ўзига ёқсан ашулани хиргойи қилиб, янги қимматбаҳо машинасида кетаётган эди. Йўл четидаги болага кўзи тушиб, тезликни сал камайтирди. Болакай унга нималарнидир имо-ишора қилди. Лекин у эътибор бермай, бепарво кетаверди. Боланинг ёнидан ўтгач тезликни яна оширмоқчи бўлди. Аммо, шу пайт бирданига машинасига болакай отган тош келиб тегди. У машинасини тўхтатиб, тош отган боланинг олдига келиб, жаҳл билан унинг ёқасидан тутди-да:

-Хой ахмоқ бола! Нега мени машинамга тош отдинг? Бу машина неча пул туришини биласанми? – деб бақирди.

Шунда болакай жавоб берди:

-Мени кечиринг, амакижон! Мен сизга ҳам, машинангизга ҳам заар етказмоқчи эмасдим. Гап шунда-ки, менинг акам ногирон. У ногиронлар аравачасидан йўлнинг четига қулаб тушди. Акамни кўтариб қайтадан аравачасига ўтқазишга кучим етмаяпти. Бу ердан одамлар ўтмайди. Машиналарнинг эса бирортаси тўхтамаяпти. Мажбур бўлиб тош отмаганимдами эди, сиз ҳам тўхтамаган бўлар эдингиз.

Шунда у одамнинг йўлдан пастроқда чўзилиб ётган ногирон болага кўзи тушди. Унинг оёқ-қўллари калта, ожиз ва ишламас, ўзи гапира олмас, фақат инграр эди. Кўзларидан эса ёш оқаётган эди. Бу ҳолатни кўрган ҳалиги киши ҳайратдан қотиб қолди. Ўзининг бепарволовигидан уялиб кетди. Томоғига бир нарса тиқилгандек бўлди. Ногирон боланинг бу аянчли аҳволига раҳми келиб, кўзлари ёшга тўлди. Тезда ёрдам беришга шошилди. Кўз ёшларини яширишга кучи етмади. Болани кўтариб ногиронлар аравачасига ўтқазди. Кейин унинг укасидан кечирим сўраб, машинаси сари отланди. Шунда янги машинасининг тош теккан жойи пачоқ бўлганини кўрди. Пачоқ бўлган жойни меҳр билан силаб қўйида, машинасига ўтирди. Ўтирди-ю, чидай олмай хўнграб юборди:

-Мени кечир, Аллоҳим! Бепарволовигим учун кечир. Мол-дунё кўзимни кўр қилиб қўйибди. Ҳамма нарсам бор, пулим кўп, ҳеч нарсага муҳтоҷ эмасман. Аммо, атрофимда қанчадан-қанча ёрдамга муҳтоҷ кишилар, ногиронлар, касаллар, камбағаллар борлигини унутибман. Шу ногирон бола ҳам дунёга бир марта келган. У ҳам бошқалардек юриш-туришни, гапиришни, баҳтли бўлишни истар, аммо, йиқилса, ҳатто ўрнидан тура олмайди. Диридагиларини тилига чиқариб, гапира олмайди. Унинг ҳам қалбида қанча ғам-алам бўлса керак, ахир кўзларидан ёш оқаётган эди-ку! Мен эса шошилиб укасининг ёқасидан тутибман-а! Ўзинг кечир Аллоҳим!

Шундан сўнг ҳалиги киши машинасининг пачоқ эшиги билан узоқ йиллар юрди, уни тузаттиrmади. Ҳар гал усталар, шу озгина пачоқни тузатиб қўяйлик, деганида, у одам қуйидагича жавоб берарди:

-Йўқ, тузатиш керак эмас. Чунки, бу пачоқ мен учун доимий эслатма. Атрофимдаги одамларнинг ҳаммаси ҳам менга ўхшаб бой, соғлом, баҳтли эмаслиги, булар-

нинг ҳаммаси менга Аллоҳ таолонинг берган неъматлари эканлиги тўғрисида эслатма. Мен буларнинг ҳаммасига шуқр қилиб, бошқаларни ҳам эсдан чиқармаслигим кераклиги ҳақида эслатма. Ногиронлар, мұхтожлар, қасаллардан хабардор бўлиб юришим кераклиги ҳақида эслатма. Бепарво, бағритош бўладиган бўлсам, менга у дунёда ҳам тош келиб тегиши мумкинлиги тўғрисида эслатма! Охиратдан эслатма!

ДУНЁДА МЕН ХУРСАНД БЎЛИБ ЮРАРДИМ

Дунёда мен хурсанд бўлиб юрадим,
Келажакка кўп режалар қуардим.
Кўзим очди келиб теккан битта тош,
Ҳикмат экан, дарс бўлди бу эслатма.

Фикр қилсан, фақат ўзни ўйлабман,
Мен доимо фойдам учун сўйлабман.
Тош теккунча хатоимни кўрмабман,
Кўр эканман, кўзим очди эслатма.

Боқсан атрофимда қанча ногирон,
Ётибди оғир касаллар бедармон.
Уларнинг мұхтож эканин бегумон,
Билдим энди, дарс бўлди бу эслатма.

Унутмагин дўстим ҳеч охиратни,
Қўлдан берма ҳар бир имкон, фурSATни.
Савоб иш қайтарар келган кулфатни,
Муруват қил, дарс бўлсин бу эслатма.

(Илҳом Қаҳҳоров)

МЕХРИНГИЗНИ ЯШИРМАНГ

Болалигимизда бор – йўқ, йўқлар кўп эди. Нима истасак “йўқ”, дейиларди. Ота-онамиз қийинчилик даврларда катта бўлишган. Бизлар ҳам уларнинг кўрган қийинчиликлари таъсир этадиган даврга тўғри келдик (Мен ўзим 1962 йили туғилганман). Нима истасак “йўқ”, нима хоҳласак “йўқ”. Масалан, “шим олиб беринг”, десам “йўқ” дейишади, “ўйинчоқ олиб беринг”, дейман, “ўзинг яса”. Мен ўйинчоқларимни лойдан ясаганман. Баъзан отамнинг чўнтакларини кесиб, ичига юнг солиб тўп қилиб ўйнардим. Синглим қўғирчоқларини ўзи тикиди. Шунинг учун оддий нарсанинг қадрини ҳам жуда яхши биламиз.

Бир куни дадам, “сизларга янги шим олиб келаман”, дедилар. Биз жуда хурсанд эдик. “Йўқ”ларга ўрганган қулоқларимизга жуда ёқимли эшитилди бу. Уч ака-сингил қишлоқ ташқарисига чиқдик. Қўлларимизни иягимизга қўйиб, хаёл қура бошладик: “Раиснинг ўғлига ўхшаб бизлар ҳам янги шим киямиз...”

Мен учинчи синфга борардим. Синглим биринчи синф, укам Рафет олти ёшда. Бизлар у пайтда гулли иштонлар кияр эдик.

Укам менга:

-Шимингизни қайси рангда бўлишини хоҳлайсиз, акажон”, деди.

Жуда содда бўлганмиз, бутун қишлоқда электр, телевизор йўқ, дунёдан бехабар эдик.

-Қора рангли бўлсин, -дедим.

-Қанийди меники кўк бўлса, -деди.

-Шаҳар оёқ кийимини ҳам сотиб оладиларми”, - деб яна сўради.

-Йўқ, қора резинка калиш борку, ўшандан олиб келадилар,-дедим мен.

Ўша пайтда узоқдан автобус күринди. Орқасидан чанг қўзғатиб келяпти. Бор умидимиз шу, узоқ кутганимиз шим келяпти. Дадам пакетларни очдилар. Менга қора шим, оқ ёқалик қора кийим ва қора калиш. Синглимга ҳам худди шу кийимлар. Лекин ҳавас билан кутган, бизларга савол бериб ҳаёжонлантирган Рафет укам ҳайрон. Пакетларни роса титди, ўзиникини топа олмагандан кейин дадамга қараб, умид билан “менга йўқми” деди.

-Ўғлим, кейинги сафар, албатта, олиб келаман,- дедилар.

-Лекин мен роса кутаётган эдим,- деди укам ва йиғлаб бошқа хонага кириб кетди. Дадамнинг ҳам қўзларига ёш келганини пайқадим. Кечки овқат дастурхонида ҳаммамиз жим ўтирибмиз. Фақатгина укамнинг йиғисираган овози эшишиларди, хўрсиниб-хўрсиниб қўяр эди.

Мен эрталаб мактабга кетдим. Келганимда укам менга қараб:

-Акажон, сизга қора шим роса ярашибди, мен ҳам бир марта кийиб кўрсам бўладими?

-Йўқ, бўлмайди, кир қилиб қўясан,- дедим. Иккинчи кун ҳам роса ялинди, бермадим. Учинчи кун ҳам бермадим. Мен уларни ётоғим ёнига қўйиб асрар эдим. Роса хоҳлаб зўрға эришганман ахир.

Тўртинчи кун ҳам олдимга келиб:

-Акажон, бу янги шим сизни жуда чиройли қилиб турибди, оёқ кийимингиз ҳам ярашибди, менга ҳам ярашса керак-а,- деди.

Бермаслик учун баҳона қила бошладим:

-Сенга тўғри келмайди, узун бу.

-Пойчасини шимариб кияман,- деди.

-Йўқ, кир қилиб қўясан, -десам,

-Гилам устида кияман,- деб жавоб қайтарди.

-Илтимос, жон акажон, беш дақиқа холос,- дея яли-нарди бечора укагинам.

-Бұлти, эртага жума куни мактабдан келиб бераман, фақат беш дақиқаға, кир қилмайсан, бирон нарса бўлса ёмон қиласман,- дедим.

Кечқурун бирга ётибмиз, укам секингина мени туриб:

-Фикрингиздан қайтиб қолмайсиз-а, акажон, ҳақиқатда берасиз-а,- дея кўзларида қувонч билан сўрар эди.

-Ха бераман,- дедим.

-Мен эрталабгача ухламайман, тезроқ тонг отсин, тезроқ шимни кияй,- деди.

Эрталаб мактабга кетиш учун турганимда, укам ҳам турди.

-Акажон, бугун вақтлироқ келинг, хўпми, мен сизни шу эшик олдида кутаман,- деди.

Мактабга кетаяпман, орқага қарасам укагинам ҳовли эшиги олдида мени кузатиб турибди.

Учинчи дарсда синфимиз эшиги очилди, директоримиз кириб келди. Ўқитувчимиз қулоғига бир нарса деди ва менга қараб, “Алижон, болам, уйинга борақол, отанг сени кутяпти”, деди. Менинг дарров хаёлимга келган биринчи нарса, укам отамга айттириб, мени чақиртиряпти, тезроқ шимни киймоқчи, деб ўйладим. Мактабдан чиқдим, қарасам қишлоқдагилар ҳам бизникига қараб кетишаپти. Мен ҳеч нарсани тушунмаяпман, тўққиз ёшдаман. Дарров эшик теварагига қарадим, укам кутиб туриши керак эди, лекин йўқ. Ховлига кирдим, бутун қишлоқ бизникида. Онамлар “дод”, деб бақирияптилар... “Рафетимни беринг менга, болажоним, қўзичноғим...”



Чол амаки янги олган трактори билан эшигимиз олдиdan ўтаётган экан, болачани кўрмабди, мени келишимни кутаётган укам трактор тагида жон берибди. Мен укажонимга шимимни кийдормоқчи бўлган куним, укам ўлди...

Отам севги кўрмагани учун, у севгини бизларга ҳам беришни билмади. Бизларни яхши кўтарди, лекин севгисини кўрсатолмасди. Бизларни қучоқламасди, бағрига босолмасди. Эй дўстлар, севгингизни кўрсатинг, севишингизни билдиринг.

Ўша куни укам ювилганидан кейин кафланди, дадам илк маротаба, мен оламан дедилар ва укамни бағирларига босдилар. Фарёд қилиб: “Рафет, мен сени мозорга эмас, бозорга обориб, шим олиб бермоқчи эдим, ўғлим..., тур ўғлим, илтимос, юр бозорга борамиз...” дея йиғлай-йиғлай мозорга кетдилар.

Мен ҳозир ўйляпман, қанийди ҳаётлик пайтида айтсалар эди. Биз у севги сўзларини эшитиш учун кўп кутдик, лекин эшитмадик. Энди отам укам эшитолмайдиган пайтда бақириб фарёд қиляптилар.

Ҳозирги болалар бизлардан топа олмаган севгини, қўл телефонларидан қидиряптилар. Нега болалар бошқа нарсаларга талпиняпти. Болаларни ўғирлаш учун хилватларда кутаётган инсонлар ота-онаси кўрсатмаган табассум билан уларни алдаяптилар.

Ўлкамни, оиласми, болаларимни севаман. Олдин кўпинча банд бўлар эдим, турли йиғилишларга, конференцияларга борарадим. Аммо бу йил бормаяпман. Чунки менинг қизим саратон касаллигига чалинган. Энди у даволаняпти, мен эса доим фарзандим олдида бўлишга ҳаракат қиляпман. Ҳозир қизим яшаяпти ва шу ҳаётлик пайтида, мен уни роса яхши кўришимни кўзларига қараб, очик айтяпман. Мен қизимни яхши кўраман ва буни яширмаяпман... Сизлар ҳам меҳрингизни яширманг, кўрсатинг...

СОЯБОН КҮТАРГАН БОЛАКАЙ ҲАҚИДА РИВОЯТ

Бир шаҳарда бир неча ойдан бери ёмғир ёғмас эди. Қурғоқчилик. Сувсизликдан ҳосиллар, әкинлар қуриб боряпти. Шунда бутун шаҳар аҳли келишиб, ҳаммалари бир вақтда намозгоҳда йиғилиб, истисқо намозини ўқиб Аллоҳ таолодан ёмғир сўрашни ният қилдилар.

Келишилган кун ва соатда мингга яқин одам намозгоҳга йиғилди. Бир ёш бола ҳам таҳорат қилиб, катталарга қўшилиб намозга келди. Унинг қўлида ёмғирдан сақланиш учун соябон ҳам бўлиб, у имомга яқинроқ жойга келиб ўтирди. Болакайнинг қўлидаги соябонни кўриб катталар унинг устидан кула бошладилар:

-Уни қаранглар, ўзи бир неча ойдан бери ёмғир ёғмаяпти, ҳамма ёқда сувсизлик-у, бу содда бўлса соябон кўтариб келибди.

Шунда болакай ҳайрон бўлиб, болаларча соддалик билан имомдан сўрабди:

-Ахир биз ҳозир Аллоҳдан ёмғир сўрашга йиғилмадикми?

Буни кузатиб турган имомнинг кўзларига ёш келдию, барча йиғилганларга мурожаат қилди:

-Эй мусулмонлар, наҳотки биз шу ёш боладек ҳам бўла олмасак? Барчамиз Аллоҳ таолодан истисқо намозини ўқиб, ёмғир сўраймиз, деб келибмиз-у, бирорта-миз агар ҳозир намоз ўқисак, Аллоҳ таоло бизга ёмғир беради, деган нарсага қалбдан ишонмаймиз! Шу болакай, ҳозир Аллоҳдан намоз ўқиб, ёмғир сўрасак, ёмғир ёғади, шунда соябоним асқотади, деб ишониб келган! Имомнинг кўзларидан тинмай ёш оқарди:

-Эй Аллоҳим, Ўзинг биз беихлос бандаларингни гуноҳларимизни кечиргин! Ана шу гўдакнинг қалбидаги иймонни, ихлосни бизларга ҳам ато эт! Ҳозир Сендан намоз ўқиб, ялиниб сўраймиз, бизларни беихлослиги-

ми учун кечириб, шу гўдакнинг қалбидаги иймонининг
хурматидан бизларга ёмғир бер!

Кейин одамлар намозни бошладилар. Имом йиглаб
туруб узок қироат қилди. Намоз тугаб қўллар дуога
очиғандан, ҳаммани ҳайрон қолдириб, сел ёмғир қуя
бошлиди.

Бу раҳмат ёмғирини Аллоҳ таоло ўша мурғак гўдак-
ният қалбидаги ихлосининг хурматидан берган эди.

ЧИН ИХЛОС

Кеча-қундуз ибодатда юрамиз,
Намоз ўқиб, рўзалар ҳам тутамиз.
Ихлос деса доим ожиз қоламиз,
Чин ихлосдан бизни жудо қилмагин.

Гуноҳ ишдан бизлар асло қўрқмаймиз,
Ғийбат бўлса тилимизни тиймаймиз.
Ихлос деса, ёш боладан ожизмиз,
Чин ихлосдан бизни жудо қилмагин.

Қилинган ибодатлар, риёмасми?, ўйлаймиз,
Одамларнинг олдида яхши гапни сўйлаймиз.
Қиёматда сўралса, не дейишни билмаймиз,
Чин ихлосдан бизни жудо қилмагин.

Ихлосимиз кўпайтир деб, энди садо берамиз,
Кўпаймаса ихлосимиз, унда гадо бўламиз.
Энди Ўзинг кечирмасанг, бизлар адо бўламиз,
Чин ихлосдан бизни жудо қилмагин.

(Илҳом Қаҳҳоров)

ОҚПАДАР

Бундан күп йиллар олдин, мактабни тутатаётган ўспирин йигит эдим. Имтиҳон топшириб мактабдан уйга қайтдим. Озгина дам олиб, деразани очдим-да, кейинги имтиҳонга тайёрлана бошладим. Бир пайт күча томондан дод-вой овози эшитилиб қолди. Югуриб күчага чиқдим. Товуш йўлдан нариги томондаги қўшнимиз уйидан келарди. Эътибор берсам, кимдир: “Вой дод, мусулмонлар, ёрдам беринглар, ўлдириб қўяди”, деб бақиради. Ҳаяжон билан бориб, эшикни очиб ичкарига қарадим. Не кўз билан кўрай-ки, қўшнимиз Санжар ака, ҳовлидаги тут дараҳтини тагида қари отасини босиб олиб, соқолидан ушлаб бошини ерга урап: “ Айт, пулларни қаерга яширгансан, мен ароқ олишим керак, айт”, деб пишқиради.

Менга кўзи тушган Афзал бобо: “Вой дод, бу ахмоқ боладан мени қутқар, бўлмаса ўлдириб қўяди”, деб ялина бошлади. Унга раҳмим келиб, бориб Санжар акага ёпишдим. Мендан ёши анча катта бўлган Санжар ака бақувват бўлиб, ундан ароқнинг ҳиди гупиллаб урарди. Ўрнидан туриб мени бир итарган эди, учиб кетдим. Шу вақтдан фойдаланиб Афзал бобо кўчага қочиб чиқди. Кейин милиция келиб Санжар акани олиб кетди. Афзал бобо ўғлини изидан: “Оқпадар, сендан рози эмасман, балога йўлиққур”, деб қарғаб қолди.

Кечкурун овқатланаётган пайтимизда бўлган воқеани уйимиздагиларга айтиб бердим. Ота-онам, сингилларимни Афзал бобога раҳми келиб кетди. Лекин бобом негадир хафа бўлмадилар.

-Афзални ўғли урдими? Баттар бўлсин. Қайтар дунё экан. Ёшлигига ўша Афзал, ўша тутнинг тагида отасини соқолидан ушлаб, ароқча пул топиб бер, деб урган эди. Ўзим бориб зўрга ажратган эдим. Уялмайсанми, ахир

бир кун фарзандларингдан қайтади, деганимда кулган эди. Ана, охири қайтибди-да!,-дедилар бобом.

Ўшанда мен: “Санжар аканинг бешта қизи бор, ўғли эса йўқ, демак у кишига қайтмас эканда”, деб ўйлаган эдим.

Санжар акани 15 суткага қамашди. Кейин отасининг қарғиши урдими, билмадим, лекин у киши тезда балоға йўлиқди. Шу воқеадан бир ой ўтар-ўтмас, айнан ўша тут дарахтининг устидан йиқилиб оёғи синди. Ёмон жойидан синган экан, икки марта операция қилишди, бир неча ой турмасдан ётди. Кейин ҳассага таяниб юрадиган бўлиб қолди. Дарвозасини тагига чиқиб ўтирганини кўп кўрардим, лекин унга ҳеч раҳмим келмасди.

Орадан анча йиллар ўтди. Санжар aka ҳали ҳам ҳассага таяниб юрар, худди ўтиб кетган отасига ўхшаб соқол қўйган эди. Уни кўрсам Афзал бобони кўргандек бўлардим. Ҳамма қизларини узатгач, охирги куёвани: “Менга куёв эмас, ўғил бўласан”, деб ичкуёв қилиб саклаб қолди.

Кунлардан бир кун яна ўша хонамда деразани очиб, газета ўқиб ўтирган эдим. Бирдан кўча томондан додвой овози келиб қолди. Югуриб кўчага чиқдим. Овоз яна ўша ҳовлидан келарди: “Вой дод, мусулмонлар, ёрдам беринглар, ўлдириб қўяди”. Тавба, худди ўтмишга қайтгандек бўлдим. Дарвозани очиб кириб борсам 30 йил олдинги ҳолатни худди ўзгинаси. Фақат энди Санжар бобо пастда ётар, устида эса “қабул қилган ўғли” маст ҳолда уни соқолидан ушлаб бошини ерга урар: “Айт, пулни қаерга яширгансан, айт, мен ароқ олишим керак”, деб пишқиарди.

Санжар бобони кўзи менга тушди-ю, ялина бошлиди: “Вой дод, мени бу ахмоқ боладан қутқар, бўлмаса ўлдириб қўяди”. Лекин бу сафар мен негадир ёрдамга шошилмадим. Турган жойимда индамай томоша

қилавердим. Ичимдан эса: “Баракалла, ур, яхшилаб ур бу оқпадарни, бир кун келиб сени ҳам фарзандинг худди шундай қилиб сенга қайтаради”, дегим келарди. Озгина томоша қилиб тургач: “Қалай, Санжар бобо, қайтар дунё эканми?”, дегим келди-ю, аммо индамай чиқиб кетдим...

Ушбу аянчили ҳаётий воқеа ўзимизга яқин қишлоқлардан бирида содир бўлган. Шунга ўхашаш дард-аламга тўла воқеалар, асосан диндан бехабар, заволга учраган оиласарда кўп учрайди. Диндор оиласарда бундай можароларни бўлганини умуман эшитмаганмиз.

Баъзи кишилар, совуққонликлари, лоқайдликлари ёки жаҳолатлари сабабидан фарзандларига чиройли тарбия бермайдилар, динни ўргатмайдилар ва натижада фарзанд-у неваралари динсиз ва жоҳил бўлиб ўсадилар. Оқибатда эса бошларига фарзанд таёғи келиб тегади. Аслида бу таёқ - фарзандига динни ўргатмагани учун Аллоҳнинг жазосидир!

Болаларининг моддий таъминоти, майшати, уйжойи ва машинаси учун кеча-кундуз тинмай югурадиган ота-оналар шуни эсдан чиқармасинлар-ки, токи фарзандларининг диний ва маънавий тарбиясига эътибор бермас эканлар, бир кун келиб уларнинг ҳам бошларига шундай таёқ келиб тегиши ёки қариганда уларга муҳтож бўлганларида меҳрсизлик ва оқибатсизлик кўришлари мумкин.

ОҚПАДАР

Гўдаклигингдан сени ўстирган,
Едирган, ичирган, тарбия берган.
Қариганда сенга муҳтожлик сезган,
Отангга қўл кўтарма, оқпадар.

Китоб олиб берди мактабинг учун,
Ўқиб олим одам бўлишинг учун.
Олим бўлдинг аммо, одам бўлмадинг,
Отасига қўл кўтарган оқпадар.

Кучинг кўплигида ёқадан тутдинг,
Маст бўлиб нуроний юзига урдинг.
Қайтар дунё, энди фарзандинг ураг,
Отангга қўл кўтарма оқпадар.

Неча-неча инсонлар дунёдан ўтди,
Урган урилди, сўккан сўкилди.
Бу дунёда ҳар банда экканин ўрди,
Отангга қўл кўтарма, оқпадар.

Ўтди зўравону, ўтди полвонлар,
Ўтди отасига кучи етганлар.
Ва лекин хор бўлар икки дунёда,
Отасига қўл кўтарган оқпадар.

(Илҳом Қаҳҳоров)

ОТА МЕҲРИ!

Бир киши ҳикоя қилиб беради: “Дўстимнинг аёли ҳомиласи етти ойлик бўлганида кўзи ёриди. Бир неча кун ўтар-ўтмас бола вафот этди. Уни кўмиш учун отасига бердилар. Бирга машинага ўтириб, қабристонга йўл олдик. Дўстим вафот этган ўғлини қўйнига олиб, унга маҳзун қараб ўтирас эди. Бу ҳолат менга жуда ҳам таъсир қилди, лекин ўзимни босдим.

Йўл бурилиб, қуёш нури рўпарамиздан туша бошлиди. Шунда ота кутилмаган бир иш қилди. Бошидан бош

кийимини ечиб, ўғлига қуёшнинг иссиғи тушмаслиги учун унинг устига тутди. Ё, Аллоҳ! Ота ўғли вафот этганини унутиб, уни қуёшдан ҳимоя қилмоқчи бўляятганди!

Отанинг миттигина ўғлига бўлган раҳматидан ўзими тия олмай, икки кўзимдан ёш қуилиб, йиғлаб юбордим. Ана шундагина “Роббим, улар мени кичикликда тарбия қилганларидек, уларга раҳм қилгин”, деб айт” (“Исро”, 24) оятининг маъносининг тушуниб етдим...

Эй, Роббим! Отам ва онам ўтказган ҳар бир дақиқада уларга роҳат эшикларини оч. Уларга Ухуд тоғидек улкан, туганмас неъматларингдан ато қил, Жаннатни абадий қароргоҳлари қилиб бер!”

Бир ота-она ўнта фарзандига эътибор бериб, уларни бекаму-кўст қилиб ўстириши мумкин. Лекин баъзида ўнта фарзанд биргина ота-оналарига мана шундай эътиборни бера олишмайди...

Аллоҳим, бизни мудом ота-онамизга яхшилик қиласидиган бандаларингдан қилгин. Уларнинг ҳақларида камчиликка йўл қўйган бўлсақ, бизни кечиргин!

ТАЪЗИЯХОНАДАГИ ТАЪСИРЛИ ВОҚЕА...

Ушбу воқеанинг масжидимизнинг имоми айтиб берган эдилар.

...Бир кекса кампирнинг таъзиясига бордим.

Онахоннинг турмуш йўлдоши ҳали ҳаёт экан. Лекин анча кексайганидан оғриб, курсида йиғлаб ўтирган экан. Жаноза намози ўқилиб бўлгунча ҳам кўзларидан ёш тинмас эди. У кишига қараб ўзимнинг ҳам юрагим эзилиб кетди... Одатимизга кўра, одамлар тобутни кўтариб чиқиб кета бошлаганларидан кейин отахонга тасалли бериш учун олдиларига бориб, таъзиямни изҳор

қилдим. Бир оз күнглини қўтаргулик сўзларни айтдим.
Шунда отахон қўлимдан ушлаб:

-Домла, Сиз мени кампиридан айрилиб, ёлғиз
қолганига йиғлаляпти, деб ўйлаётган бўлсангиз керак.
Менинг йиғлашимга бошқа сабаб бор, - деб йиғисининг
сабабини айта бошлади:

-Менинг оёғимда бодим (ревматизм) бор. Ҳаво
айниса, ёғингарчилик бошланса, шу оёғим зирқираб
оғриганидан чидай олмай қоламан. Шундай пайтда
кампирим оёғимни уқалаб қўяр эди. Шу билан бироз
ором олар эдим. Кампиirimning ҳам дарди бор эди - қон
босими юқори эди. Босими қўтарилиганда боши қаттиқ
оғрир эди. Дори-дармонлар ҳам қилдик. Лекин ёш ўтган
сари дорилар ҳам унчалик кор қилмай қўяр экан.

Кеча оқшомга борганда бош оғриғи кучайиб қолди.
Керакли дориларини ичди. Аксига олиб, ҳаво айниб,
менинг ҳам оёғим оғришни бошлади. Оёқ оғриганда ух-
лашнинг иложи бўлмай қолади. Кечаси билан безовта
бўла бошладим. Кампиirimning эндингина кўзи уйқуга
илашган экан, безовта бўлганимни сезиб, уйғониб кет-
ди. Энгашиб оёғимни уқалай бошлади. Мен унга:

-Қўяқол, кампир, қийналма. Ўзинг хаста бўлсанг.
Бир оз дам ол. Қон босимингга зарар қилмасин, - десам,
у:

-Майли, қўяверинг. Бошим анча тузук. Бироз яхши
бўлиб қолдим, - деб оёғимни ушлай бошлади.

Бир қанча муддатдан сўнг жим бўлиб қолди. Анча-
дан бери ухлай олмаганидан чарчабди-да, деган хаёлда:

-Кампир, бўлди энди. Жойингга ўтиб, ётиб да-
мингни ол, - десам индамади.

Сўнг аста ўзим жойига ётқизиб қўяй, деб секин ел-
касидан ушлаб кўрпаси томонга тортсам, бир маҳал
ағдарилиб тушди. Шошилиб қарасам... оёғимни ушлаган
кўйи жони узилиб бўлган экан.

Ха, домла. Ўзи касал бўлишига қарамай, охирги нафасигача менинг хизматимни қилиб кетганини ўйлаб йиғлаяпман...

У билан бирга яшаған умримиз кўз олдимдан ўтаяпти... Баъзида унга нисбатан адолатсизлик, дилозорлик, ҳатто зулм қилганман, ана ўша қилган ноҳақликларим ҳаммаси бирма-бир кўз олдимдан ўтаяпти. У бўлса шуларга қарамай, бирор марта ҳам юзимга солмай, умрининг охирги сониясигача хизматимни қилиб кетди-я! Шу нарсаларни ўйлаб эзилаяпман, пушаймон бўлиб йиғлаяпман...

Аёл ўлгандан сўнг, агар эри ундан рози бўлса, Жаннатга кирап экан, деб эшитгандим. Домла, сиз гувоҳсиз, мен ундан мингдан-минг розиман, илоҳим жойи Жаннатда бўлсин!

ҲАРБИЙ ХИЗМАТДА БЎЛГАН ВОҚЕА

Ушбу таъсири ҳаётий воқеани жума маърузасида имом домла айтиб берган эдилар.

Бир йигит ҳарбий хизматга борибди. У пайтлар кўпроқ Россия томонларга хизматга борилар эди. Йигит номозхон эди. Ҳарбий хизматда ҳам намозларини амаллаб ўқиб юаркан. Хизматдошлари уни устидан кулишар, лекин йигит уларга парво ҳам қилмас экан.

Бир кун уларни бошлиғи йиғибди. Ўша намозхон йигитга:

-Мана бу калитини олиб, майдон чеккасида турган машинани айвон тагига олиб бориб қўй, - дебди.

Ҳалиги намозхон йигит:

-Мен машина ҳайдашни билмайман, уни ҳайдашни биладиган бирор бошқа аскар обориб қўя қолсин,- дебди.

Бошлиқ эса:

-Худойингдан сўра. У ҳамма нарсага қодир, дер эдинг-ку?-дебди.

Йиғилганларнинг ҳаммаси кулиб, йигитни масхара қила бошлашибди. Йигитга уларнинг Аллоҳ устидан кулишлари ёқмабди. Аллоҳга таваккал қилиб, машинага ўтирибди. Дуолар ўқиб, Аллоҳдан мадад сўраб, машинанинг калитини бураган экан, двигатель биринчи мартаданоқ ўт олибди. Умрида бирор марта машина ҳайдамаган бўлса ҳам, дўстларининг ҳайдашига эътибор берган, ўша ўгитларни эслаб туриб, уловни бир амаллаб айтилган жойга олиб бориб қўйибди.

Машинадан тушиб қараса масхара қилувчиларнинг ҳаммаси йиғлашаётган экан. Йигит ҳайрон бўлибди.

Бошлиқ шунда:

-Сен Худойинга ишондик. У бор экан. Сен ҳақ йўлда юрар экансан,- дебди.

Намозхон йигит ҳайрон бўлиб уларга қарабди. Шунда бошлиқ машинани олдига бориб, олд капотини очибди. Не кўз билан кўришсинки, машинани мотори йўқ экан!!! Шунда йигитнинг ҳам кўзлари ёшга тўлибди... Нафақат йигитнинг, қолаверса, ушбу воқеани айтиб бераётган имомнинг ва масжиддаги кўпгина тингловчиларнинг ҳам кўзларига ёш келди...

Аллоҳ таоло ҳамма нарсага қодир зот! Фақат Ўзидангина мадад сўрайлик, бандаси эса фақат сабабчи бўлади, холос...

БОЛАМ, ҚОРНИНГ ОЧ ЭМАСМИ?

Феруза синглим ҳикоя қилиб берган эди. Янги келин бўлиб тушган кезларимда саксон ёшдан ошган қайнона бувимиз ўсал бўлиб қолди. Айниқса, охирги уч кун оғир бўлди. Билинар-билинмас нафас оладилар. Охири томоқларидан сув ҳам ўтмай қолди. Қариндош-уруглар

Йиғилиб, галма-галдан тепаларида ўтириб чиқишиади. Кўпроқ қайнотамга зўр келди. У киши волидасининг тенасида юм-юм йиғларди. Юзини юзига қўйиб, онажон, берган сутингизга рози бўлинг, ожиз банда эканмиз, қўлимииздан ҳеч нарса келмаяпти, деб мўлтириар эди.

Тўртингчи кунга ўтар кечаси кампир секингина кўзи-ни очди. Бунга атрофдагилар ғимиллаб қолди. Қайнотам онасининг қўлларини кафтларига олиб, силаб-сийпаб ўпиб қўйди. Кампир ўғлига, энгаш дегандек имо қилди. Ўғил, жон қулоғим сизда, деб энгашди.

-Болам, қорнинг оч эмасми? Булар сенга овқат бердими? Қорнингни очириб юрма тағин...-дея олди аранг.

Бу онаизорнинг охирги сўзлари бўлди...

Оналар қабрга йўл олаётганида ҳам ўзини эмас, фарзандининг ғамини ер экан!

ТУҲМАТНИНГ ЖАЗОСИ

Таҳририятга келган мактублар орасида юзига “Маъмура” деб битилгани эътиборимизни тортди. Нома қўйидаги сўзлар билан бошланади: “Сизларга отам ҳаётининг сўнгги дамларида менга айтиб туриб ёздириган мактубини жўнатяпман. Уни ҳеч кимга кўрсатмай, яшириб қўйгандим. Орадан икки йил ўтиб, онам топиб олибдилар. Кўрқиб кетдим. Роса йиғладилар. Кейин, бу отангнинг сўнгги илтимоси, уни “Даракчи”га жўнат, дедилар. Мана, отамнинг ёздиригланлари...”

Хатим сизларга етиб борганида, бу дунёда бўламаними-йўқми, ёлғиз Худога аён. Мен Аллоҳ қарғаган инсон..., инсон эмас, тухматчи нодонман. Буларни одамларга ибрат бўлсин, деб атайлаб кенжа қизимга ёздирияпман...

...Хадрадаги ҳайдовчилик курси ДОСААФда ўқиб

юрганимда, бир қизга күнгил қўйдим. Ақл-ҳушимни ўғирлаган эди. Аммо мен унга бир оғиз ҳам сўз айтолмас, кўриш учун эса уларга яқин турадиган дўстимниги тинмай борардим.

Бир куни қарасам, узун бўйли оқ-сариқдан келган бир йигит билан келяпти. Титраб кетдим. Ҳеч ким индамаса-ю, ғажиб ташласам... Сўраб-суриштирсам, улар турмуш қурмоқчи экан. Тинчим йўқолди. Қандай қилсам қизга эга бўламан, деган савол тинчлик бермасди. Топдим. Йигитни айнитсам бўлгани.

Бир таниш қизни ишга солдим. У йигитни ўзиға қаратиб олиши керак эди. Эплай олмади. Нима қилишимни билмай, қиз ҳақида бўхтон гаплар тарқатишга қарор қилдим. Туҳмат қилдим. Буниси кутганимдан ҳам аъло чиқди. Энди онамни жўнатсам ҳам бўлади, деб турганимда, ўша йигит уйимга бостириб келди. Қўлида биттагина... нон. Важоҳатидан от ҳуркади.

-Қасам ич! Айтганларинг рост бўлса, нонни ўртага қўйиб қасам ич!

Уятданми, қўрқувданми, туҳмат қилганимни бўйнимга олдим. Йигит мени роса дўппослади. Ўн кун шифохонада ётдим. Милиция ходимларига уни танимайман, дедим. Ўзим ўч олмоқчи эдим-да! Бу орада уларнинг тўйи ҳам ўтди. Бир аламим минг бўлди.

Софайгач, икки ўртоғим билан бордим. Роса олишдик. Спортчи экан, бир ўзи учовимизга бас келди. Дўстларим қочиб қолди. Мен эса унинг бошига темир (арматура) билан боплаб урдиму, қочдим.

Қамалиб чиқдим. Қайтгач, ойим топган қизга уйландим. Бирин кетин учта қизлик бўлдик. Ҳаётим бир маромга тушган эди.

Синглим янги уй сотиб олди. “Ховли тўйи”га бордик. Йўлда ўша... мени девона қилган нигоҳ билан учрашиб қолдим. Бошида қора рўмол. Қўлида гўдаги, яна икки-

та қизчасини етаклаб олган. Унга тикилиб қолганимни сезган куёвим ўзича тушуниб, изоҳлай кетди:

-Яқинда эри ўзини осиб қўйди. Миш-миш, тухматлардан чарчаганди, бечора. Аёлни одамлар роса ғийбат қилиб, гап-сўзлар чиқараверди-да! Эри-ку, аёлига ишонарди. Чунки тухмат қилган ҳар қандай одам билан юзма-юз гаплашган. Яқинда қўшниси бир ёмон гап айтганми, уриб жагини синдирибди. Кўплар қамоқдан, ор-номусдан ўлимни афзал билган, дейишади. Эл оғзига элак тутиб бўлармиди? Барибир шу аёлни гапиришади. Қачонлардир қилинган тухматдан ҳали-ҳали қутилгани йўқ...

Рости, унга роса ачиндим. Ўзимни эса роса қарғадим. Мен унинг ҳаётига аралашмаганимда, балки баҳтли бўлармиди? Бева бўлиб қолмасмиди... балки?

У ҳақда бошқа ҳеч қандай гап эшитмадим. Аммо... виждоним азоб берарди. Ахир у мени танимайди, кўрмаган ҳам. Лекин... менинг биргина гапим билан шунча қийинчиликларга дучор бўлди. Юзи шувит. Бунинг устига бева... болалари етим.

Аллоҳ кўргувчи экан. Ҳеч бир гуноҳ изсиз кетмас экан. Мен қилган тухматлар балоси болаларимга урди. Катта қизим ўн еттига кирганида, бир аёл уйимизга тухмат қилиб келди.

-Қизингга қанақа тарбия берфяпсан? – деди бақириб, - Ўғлимни тинч қўядими-йўқми? Кечани-кеча, кундузни-кундуз демай телефон қилгани-қилган. Бунақа енгилтак қизни сақлагандан кўра ўлдириб қўймайсанми, ота бўлмагур!?

Мен ҳеч нарсага тушунмадим. Қизим бечора, тухматга чидолмаганим... мурдасини Бўзсувдан топдик. Бу мен қўл урган гунохнинг биринчи қурбони эди.

Иккинчи қизимни бир уйланган, оиласи йигит алдаб кетибди. Никоҳсиз фарзандли бўлди. Қандай қилай?

Ўзимнинг болам, кўчага ҳайдолмайман. Номусга қолсам ҳам чидаб ўтирибман. Астма, невроз, қон босимим бор. Яна ўпкамдан рак касалига чалиндим. Иккинчи гуруҳ ногирони беришди. Ҳужжатларни тўғирлашга борганимда, яна ўша чеҳрани кўрдим. Ҳужжатимга имзо кўяр экан, жилмайиб, “сиқилманг, соғайиб кетасиз” деди-да, ёнидаги қизга “овора қилмай, тезроқ тўғирлаб беринглар”, деб кузатиб ҳам қўйди. Ўзини анча тутиб олибди. Одамлар кўнглини олиб, савоб ишдан бўшамай юрибди.

Мен-чи? Унга қилган тухматларим эвазига нима топдим? Гуноҳим қизларимга урди. Ўзим бедаво дардга йўлиқдим. Ўша куни уйга келгунча шулар ҳақида ўйладим. Келдиму, ётиб қолдим. Яна қанча умрим қолгани менга номаълум.

Мана, менинг ҳаётим. Сиз ундан хулоса чиқаринг. Мен каби ўйламай-нетмай қадам босманг. Бирорлар қизининг номини булғаманг!”

(“Даракчи”)

БОМДОДГА ЎЙГОТИНГ, ОНАЖОН!

Ҳафтанинг қоқ ўртасида – иш қайнаган палла бир сабаб билан ҳайё-ҳуйт деб қишлоққа жўнавордим. Онамнинг анчадан бери мазаси бўлиб-бўлмай юрувди, баҳонада кўриб келаман дедим-да, чоршанбани оёқлатиб, йўлга тушдим. Беш юз чақирикнинг деярли ҳаммасини жала-ёмғирда, ярмини қоронгуда босиб ўтганим боис бир соатлар ортиқча юришимга тўғри келди. Муштипарим одатдагидай кўзлари тўрт бўлиб, омонлигимни Аллоҳдан тилаб, топганини дастурхонга тизиб ўтирибди экан...

Дийдор нақадар ширин нарса-а?! Ҳар кун симда икки-уч марта гаплашган бошқа, кўз кўзга тушган бошқа!

“Олтин бошгинанг омон бўлсин, болам!” деб пешонамдан, юзларимдан қайта-қайта ўпади... Мен ҳам эриниб кетаман, оёқлари остига оқиб тушгим келади... Ҳар кўришганимизда шундай бўлади...

Кеч борганим учун бошқалар ётиб қолган эди. Яхши бўлди – онам иккимиз анча пайт гаплашиб ўтирдик. Онам: “Ётақол, болам, чарчагансан”, деса-да, ётгим келмас, онам ҳам ичида ётищимни истамас эди. Нихоят, бомдодга уч соатлар қолганида чарчоқ кучини кўрсатиб, уйқу босди. Онамга намозга уйғотишни тайинлаб, ўринга чўзилдим.

Одатда, бунақа чарчоқдан кейин мен учун бомдодга уйғониш анча оғир. Ўзи уйқучи одамман. Кунига 7 соатдан кам ухласам, бошим гарангсиб юраман. Энди шунча йўл босиб келиб, чарчаб, яна уч соатгина ухлаб... бунақа пайтда фақат қулоғим остида замбарак отиб уйғотиш мумкин мени.

Хуллас, ётдиму қотдим...

Бир маҳал бошимни иссиққина қўл сийпаётганини сездим. Олдинига англамадим, чунки бошим ғувиллаб ётибди. Кимдир соchlаримни бармоқлари билан тарар,

бошимни, пешонамни силаб-силаб қўяр эди. Ким экан бу, дейман уйқу аралаш. Аммо қабоқларим очишга қўймайди. Нихоят, куч йифиб, кўзимни очдим. Қарасам, тепамда онам турибди! “Тур, болам, бомдод бўлди”, деди. Бирдан уйқум қочди. Онам мени бунаقا эркалаб уйғотмай қўйганига анча бўлган эди. Кўнглим чараклаб кетди. Ётган қўйимча қўлларидан ушладим, олдин юзимга босдим, кейин дудоқларимга қўйиб ўпдим. Бoshимни гўё фаришталар силаётгандек эди. Анчадан бери чўллаб ётган қароғларимга ёш тошди. Кечаги чарчоқ, уйқусизлик, толиқишилардан асар қолмади... Қушдек енгил эдим, қийналмасдан туриб кетдим. Шавқ билан таҳорат олдим. Ўша шавқ билан жойнамозга турдим. Ўша шавқ билан намоз ўқидим. Тўғриси, анчадан бери намозда бундай тўлқинланмаган эдим...

Дуода “Роббирҳам ҳума кама роббайаний соғиро”, (Эй Раббим! Мени (улар) гўдаклик чоғимда тарбияланларидек, Сен ҳам уларга раҳм қилгин!”» (Исрo, 24).) дерканман, ичимдаги тўлқинлар қирғоғидан тоша кетди. Келма, йўл ёмон, бизда жала қуйяпти, сен етиб келгунингча мен хавотирда ўтираман, деганига қарамай, йўлга тушган, эс-хушини таҳликага қориширган, қўзининг нурини изига тўккан мендек ёмон болага шунчалар меҳр, муҳаббат қайдан?! Қайси денгиздан булоқ бўлиб сизиб чиқаётир бу шафқат?! Нимага?! Ниманинг эвазига?! Етказган озорлари учунми?! Қўйган хавотирлари учунми?! Солган машақатлари учунми?!

Муштипаримнинг менга бўлган меҳрини ўйларканман, юрагим сел бўлиб, кўзларимдан шошқатор ёшлар оқди. Бунаقا пайтда доим бир нарса ёдимга келади: Аллоҳимнинг раҳмати олдида онамнинг ана шундай денгизлар янглиғ шафқати ҳам ҳечдир! Аллоҳим, бизни, ота-оналаримизни, фарзандларимизни, жумла мўминни раҳматингга ғарқ қил! Зоро, Сен бизга ота-оналаримиздан ҳам раҳмлироқсан!

(Абдуғофур Искандар)

ҚУРУҚ ҚҮЛ

Шерали ота ва Мастура хола ўғли Шавкатнинг бозорлик қилиб келган икки катта сумкасига илинч билан боқишарди.

-Ма, она қизим бу сенга, бу акангга, мана буниси укаларингга...

-Бизга ҳам бирор нарса борми, дадажониси?-сўради Зебо.

-Вой, сизга совғаларнинг энг каттасида, онаси, мана қаранг...

Шу тобда Шерали отанинг ўтмиши қайталангандек бўлдию, ичидан бир нима узилди. Ўзи ҳам ёшлигида аёли ва фарзандларига совғалар олиб келиб, ота-онаси ни қуруқ қўйганини эслади. Бу нарса қараб турган ота-онага қанчалик оғир ботишини энди ҳис қилди. Оғир хўрсиниш билан ҳали ҳам кўзлари жовдилаб, бир сумкага, бир ўғлининг қўлига қараб турган Мастура холага умидлари сўнганча тикилди, ёшлиқдаги хатоси ўзига қайтаётганини тушунди, кўзлари ёшланди... Кўз ёшларини яшириш учун четга қараб, ўзини гўё бир иш билан банддек кўрсатди.

Қани энди ҳаётни орқага қайтара олса-ю, фарзандлари ва аёлидан олдин ота-онасининг кўнглини топса... Демак, уларнинг ҳам қалблари шундай оғриган-у, аммо яширган эканлар-да?! Афсус! Минг афсус! Лекин энди кеч... Шерали ота ҳўнграб йиглаб юборишига сал қолди-ю, тезда хонадан чиқиб кетди...

ДОРИНИНГ ҲАҚИҚИЙ НАРХИ

Бу йигитнинг исми Фараж Арибий. Ливиянинг Аждабия шаҳридан. Кампир ҳар ой бир марта дорихонага келар ва керакли дорисини олиб кассирга, кулиб турган, мулоим ва одобли бу йигитга юзланарди. Кампир ҳар сафар бу йигитни кўрганда қалби севинчга тўлар ва унга доимгидек йигирма динорни узатарди. Сўнг дорини олиб, уйига равона бўларди. Бу ҳолат бир неча йиллардан бери давом этарди.

Кейинги ой йигит ғаддор жиноятчилар қўлида ҳалок бўлди. Бир кун кампир яна дорихонага келди. Дорисини олиб касса сари юзланди. Лекин йигит кўринмади. У ҳақда сўрамоқчи бўлиб турганди, кассадаги янги сотувчи:

-Нима бу, ҳожи она?- дея овозини кўтарди. Кампир:

-Дорининг пули - йигирма динор, болам,- деди.

Кассир:

-Бунинг нархи 200 динор°, онахон,- деди. Кампир таажжубланиб деди:

-Қизиқ, уч йилдан ошдики, бу дорини йигирма динордан сотиб оламан. Олдинги кассир қани?

-Аллоҳ раҳматига олсин, вафот қилди, ҳожи она,- дея жавоб қилди йигит ва касса дафтарини вараклашга тушди. Маълум бўлишича, марҳум йигит ҳар ой кампирнинг дориси учун ойлик маошидан 180 динор ажратиб келган. Воеадан хабар топган дорихона эгаси у йигит руҳи покига садақаи жория бўлиб турсин учун, кампирнинг дорисини аввалгидек 180 динор арzon, яъни 20 динорга сотишда давом этишга қарор қилди.

Аллоҳ таоло Фаражни шаҳидлар қаторида қабул қиласин!

(°1 АҚШ доллари 1,37 Ливия динорига teng. 180 * 1.37 = 246, 6\$)

НЕГА ЙИГЛАДИМ?

Бугун шом намозидан чиқиб келаётганимда: “Дадамнинг юраклари ёмон, даволанишлари керак. Яхшилар, ёрдам қилинг！”, деб мунгли овозда садақа сўраётган ўзмирга кўзим тушди. Ўзимнинг хаёлларим билан чиқиб, машинамга ўтиридим. Бироз вақтим борлиги учун машинада ўтириб таржима қилаётгандим, мендан бир метр наридан келаётган шовқин эътиборимни тортди. “Ласетти”нинг эгаси садақа сўраётган ўша йигит ва яна иккита аёлни олдига чақириб гапираётганди:

«Ука, мана бу пулни олгин-да, бориб ишлагин. Бошқа тиланма» деб, чамамда бир ўрам беш минг сўмлик берди. Қўлида боласи бор аёлга ҳам минг сўмлик боғламни бериб, жўнатиб юборди. Иккинчиси етмишлардан ўтган татар миллатли аёл бўлиб (исмини ҳам эшитдим), ўзининг айтишича, масжид ёнидаги уйнинг саккизинчи қаватида ёлғиз яшаркан. Йигит унгаям бир боғлам пул бериб: “Онахон, ман ҳам шу маҳаллада тураман. Ҳолингизни билмаган эканман. Энди ҳечам бу ерга чиқманг, ўзим ҳар ҳафта олдингизга кириб тураман. Бугун чоршанба бўлса, энди жума куни кираман” – деб, гап орасида бояги тиланчи йигитнинг отаси ҳақиқатда ҳам юрак шикояти билан шифохонада ётганини, телефон қилиб ҳаммасини аниқлаганини айтиб ўтди.

Ўзим хохламасам-да, гувоҳ бўлган мазкур воқеадан ичим тўлиб кетиб, роса йиғладим. Лекин нега йиғлаганимни ўзим ҳам билмайман...

Халиям | шундай яхшилар борлигидан тўлқинланибми...

Муazzзам динимиз шундай буюк инсонларни тарбиялай оладиган дин бўлгани учунми...

Инсонлар ўртасида эзгулик ғояларини тарғиб эта-
диган Ислом – террорчилар етиштирадиган дин, дея зо-
лимона талқин қилинаверишидан ўқинчми...

Билмадим, йиғим сабабини билмадим...

КЕНЖА ҚИЗНИНГ НОЛАСИ

-Шу қизингни қўзимга қўрсатма деганман сенга.
Куни билан ишдан чарчаб келсангу, уйда эса асаб бузар-
лик. Йўқот, қўзимдан нари қил! - деб ишдан қайтган эр
хотинига бақира кетди. Кўзларини жовдиратиб қўрқиб
турган беш ёшли қизалоқ дадасининг гапларидан кейин
секингина онасининг орқасига яширинди...

-Дадаси ахир у қизингизку?! Унда нима айб? Аллоҳ
берса ўғил фарзандлик хам бўлармиз...

-Ўчир овозингни.... Бешта қиз туғиши келди
кўлингдан, тилинг эса икки қарич. Битта ўғил туғиб қўй,
кейин менга насиҳат қиласан...

Аёл бошқа ҳеч нима демади. Қизини опаларининг
олдига олиб кирди ва эрига дастурхон тайёрлади.

Ярим тун эрни томоғи қуриб, сув ичгани чиқди.
Шу пайт қизларининг хонасидаги чироқ ёниқ эканини
кўриб, хона томонга юрди. Хонага яқинлашганда ич-
каридан эшитилган йиғи овозидан эшикни очмай бир
зум тўхтади. Ичкаридан кенжатой қизининг йиғи овози
эшитиларди. Қизалоқ йиғлаб бир нималар дерди:

-Художон, нега мени ўғил қилиб яратмадинг?! Нега
отам мени деб онами ҳар куни йиғлатади? Художон,
майли дадам мени яхши қўрмасин, мен уларни яхши
кўравераман. Майли мени сўксинлар, аммо ойимни
йиғлатмасинлар. Битта мен уларни шунча қийнаяпман.
Мени олдингга чақириб ол, Художон. Ёлвораман сен-
дан, Художон...

Эркак эшитганларидан караҳт ҳолатга тушиб қолди. Охирги беш йиллик умри күз олдидан ўта бошлади. Наҳот шу қиз мен юз ўғирган қизим бўлса?!

Шундай меҳр эгаси мени зурриёдим бўлса?! Наҳотки кўзларим шунчалик кўр бўлган бўлса?! Эркак минг хаёл билан хонага кирди. Дадасини кўрган қизалоқ қўрқанча, шошиб жойига ётмоқчи бўлди. Ота уни қўлидан тутиб, қўрқувдан катта-катта бўлган кўзларига термулиб, юзига оқиб чиқсан ёшини артдида:

-Бадбаҳт отангни кечир, болам - деди...

Қизалоқ шошиб отасининг бўйнидан маҳкам қучоқлаб олди... Лаблари эса: “Раҳмат сенга, Художон”, деб пичирларди...

“САХОВАТ ХАЛТАСИ”

Ҳар куни у ўзининг ҳашаматли мошинасига ўтиради. Мен унга салом беришим шарт эди. Чунки у менинг бошлиғим, қўл остида ишлайдиган ходимман. У эса одатдагидек алик олмайди. Бир куни қолган овқатларни тўплаб халтага солаётгандим. У мени кўриб, кўрмаганга олди. Эртаси куни ўша ердан энди тайёрланган таом солинган халта топдим. Ўйлаб ҳам ўтирмай уни олдим. Хурсанд бўлдим. Бу ҳол ҳар кун такрорланарди. Бора - бора унинг ёнига рўзғорга керакли бошқа нарсалар ҳам солинадиган, менинг шодлигимга шодлик қўшиладиган бўлди. Мен, аёлим ва болаларим бундан ҳайратланардик.

Орадан анча вақт ўтиб, хўжайиним вафот эди. Таъзияга жуда кўп одам келди. Ўша кундан «саҳоват халта»си ҳам тўхтади. Ёки мендан олдин кимдир уни оладиган бўлди. Кунлар шундай ўта бошлади. Менинг моддий ахволим оғирлашди. Маош берувчи аёл ходимадан ойлигимни оширишларини талаб қилдим. У:

-Икки йилдан бери шунча пулга яшаб келаяпсиз. Лекин, ҳеч ҳам шикоят қилмагандингиз. Энди нима бўлди? - деб сўради.

Ўзимни оқлаш учун баҳона излай бошладим. Ишонарлироқ гап тополмай, бўлган воқеани айтиб бердим. У:

-Қачондан бери халта қолдирилмаяпти? - деди.

-Хўжайнинг вафотларидан бери, - дедим. Шу пайт ақлим жойига келгандек:

-Демак, д...демак, халталарни хўжайнин қолдирган эканлар-да! У кишининг алик олмаслигини айтмаса, ҳеч ҳам ёмон муомаласини кўрмаганман, - дедим.

Ходима йиглаб юборди. Унинг ахволини кўриб, талабимдан кечдим. Уйга келсам, «саҳоват халтаси» кельтирилди. Уни хўжайнинг ўғли олиб келди. Унга:

-Рахмат,- дедим. У жавоб қайтармади. Баланд овозда яна:

-Рахмат, ка-аттакон! - дедим. У:

-Айбга буюрманг! Менинг қулоғим оғир, худди отамникидек! - деди...

ВАСИЯТ

Шифохонада ётган қариянинг ахволи тўсатдан оғирлашиб қолди. Шифокор чолнинг афт-ангорини кўриб, чўчиб тушди:

-Ҳамшира!

Ўлими яқинлашганини сезган чол:

-Шошма, ўғлим. Сенга бир васиятим бор.

-Болаларингизга хабар бераман.

-Йўқ, шошма! Аввал гапимни эшит.

-Майли, айтинг.

Қария кўзларида ёш билан:

-Уйимдагиларга кечқурун, соат 10 дан кейин хабар бер, бу жуда зарур! Сабабини сўрама. Сўнгги илтимосим ва васиятим шу...

Шифокор ноилож рози бўлди. Чолнинг жони пешинга яқин узилди. Васиятга амал қилиб, уйидагиларга кечаси хабар қилишди.

Тунда етиб келган тўнғич ўғли:

-Кеч хабар берибсиз? – деди.

-Отангиз шундай васият қилди.

-Васият?- ўғил турган жойида қотиб қолди. Кўз ёшлари ёнокларига оқиб туша бошлади, -Эҳ, отагинама! Бугун мен тўй қилгандим... Ўғлимнинг тўйи бузилмасин деб, ҳатто яқинлари билан ҳам видолашмабди-я!!!

ЕР ҲАМ ҚАБУЛ ҚИЛМАСА...

Бугун муштарийларимиздан бири ўзи гувоҳ бўлган воқеани ҳикоя қиласди. Самарқандлик мухлисамиз Ойдин опа қирқ саккиз ёшда. У кишининг айтадиганлари қалбингизни ларзага солиши аниқ.

-Бу воқеага ҳали унчалик кўп бўлмади. Ҳозиргача ўзимизга келолмаймиз. Сизларга тушунарлироқ бўлиши учун бошидан айта қолай. Мен замонавий оиладан, ўзбеклар кўп маҳаллага келин бўлгандим. Биз рус мактабида таҳсил олган, доим бошқа дин вакиллари билан мулоқотда бўлсак-да, ўз динимизда собит эдик. Келин бўлган маҳалламда эса ҳаммаси ўзбеклар, мусулмонлар эди. Аммо инсоннинг ўзгариши ҳамма вақт ҳам мухитга боғлиқ бўлмас экан. Эътиқоди бўш, имони суст, ўқигану, уқмаган одам бўлса, бир зумда бошқа қиёфада намоён бўлиши мумкин эканлигини шу ерда билдим. Ўз кўзларим билан кўрдим ҳам. Маҳалладошимиз бўлган эрхотинлар бирданига миссионерларнинг домига тушиб қолишли.

-Ким түгри йўлда-ю, ким нотўғри юрганини ўзимиз ҳам яхши биламиз. Яххиси, мана бу китобни ўқинг, кўзларингиз чараклаб очилади, - дея улар ўзиникини маъқуллашдан ва бизни ҳам йўлдан уришга ҳаракат қилишдан чарчашмади.

Шу даражага бориб етдики, улар тўй-ҳашамларга ўзи қабул қилган диннинг тамғасини бўйнига осиб борадиган бўлишди. Бу эса одамларнинг баттар ғазабини келтиради.

-Наҳотки Худодан кўрқмасанг? Бир кун келиб шундай жазо оласан-ки... – ёши улуғлар жаҳлини босолмай гапиришарди.

-Балки сиз адашиб юрганингизни билмассиз... Мен билан ишингиз бўлмасин! – дерди хотини ҳам бўш келмасдан.

-Сени ўша кирган динингнинг ҳақиқий билимдони олдига олиб бораман. Бир суҳбатлаш. Ҳатто у ҳам сени оқламайди. Чунки сен ўша диннинг ўзида ҳам эмассан, бир оқимга қўшилгансан, холос. Эсингни йиғ!

-Мен сизнинг нима қилаётганингиз билан қизиқмаяпман-ку?! Нега бунча бурнингизни суқасиз? Бўлди-да энди, тинч қўясизларми, йўқми?

Бора-бора уларга ҳеч ким парво қилмай қўйди. Лекин улар ўз сафини кенгайтиришга ҳаракат қилишарди. Шу динни қабул қилганидан буён фаровон ҳаёт кечираётганини мисол қилиб, кўпчиликни йўлдан урмоқчи бўлишарди. Табиийки, имон-эътиқоди мустаҳкам, ўз фикрига эга одамлар бу каби гапларга эътибор ҳам қилишмайди. Маҳаллада уларнинг гапларига, ўзини тутишларига энди кўникма ҳосил бўлаётган бир пайтда ўша эр-хотиннинг бедаво дардга чалинганини эшитдик. Одамлар орасида гап-сўз бошланди.

-Тавба, тавба, икковига ҳам саратон касали деган ташхис қўйишибди. Шунаقا бўлиши мумкинми? Ё саратон ҳам юқармикан? – ёқа ушлайди бирор.

-Саратон юқмайди, - дейди бошқаси. – Бу Худонинг уларга шу дунёда берган жазоси.

-Нима бўлсаям, соғайиб кетишин-да! Жуда ёмон дард дейишади, кучли оғриқ берармиш...

Улар анча вақт даволаниши. Кейин яна эшитдикки, ўзлари қабул қилган диннинг кучли дуохонига бориб ўқитишибди. Улар кимни кўрса шундай дейишарди:

-Бизга ишонмадингиз. Мана, бизнинг динни дуоси саратонни ҳам енгди. Бизга ростдан ҳам саратон деб ташхис қўйишганди. Кўриб турганингиздек, иккаламиз ҳам юрибмиз. Шундан ҳам билсангиз бўлади-ку! Кўзингизни очинг, бизга қўшилинг!

“Чиқмаган жондан умид”, деганларидек, айрим bemorлар ростдан ишониб, улар билан гаплашиб ҳам кўришди:

-Биз бошқа динда бўлсак ҳам ўқиб қўядими?

-Йўқ, бошқа динда бўлсангиз, қандай қилиб сизга дуо таъсир қилсин? – улар учун айни муддао эмасми, дарров жонланиб қолишарди. – Бунинг ҳеч қийин жойи йўқ. Ҳозироқ бориб шу динга ўтиб, бир соатда ўзингизни ўқитиб, соғайиб қайтиб келасиз.

-Унда кераги йўқ. Худо берган дард-да! Ўзи берган, Ўзи олар... – дея қўл силтаб кетганлар кўп бўлди.

Аммо бу “кучли дуохон”нинг ўқигани узоқقا чўзилмади. Ҳалиги аёлнинг эри кўп ўтмай вафот этди. Жаноза икки кунга чўзилса, денг. Бизга сездирмасликка ҳаракат қилишгани билан, билдикки, кўмиш муаммо бўляяпти. Иккинчи куни эса унга одатдагидек жаноза ўқишиди.

-У муртад эди! Нега жаноза ўқияпсизлар? – журъати етганлар сўраб ҳам кўришди.

-Ўлаётганда мусулмон бўлган экан...

Бунинг ёлғон эканлигини ҳамма билиб турса-да, жим эди.

Аммо бу воқеалар, эрининг жанозаси чўзилгани хотинига дарс бўлмади. У ҳамон ўз “иши” билан банд эди.

Афсуски, дард ўз кучини кўрсатиб, аёл тўшакка михланди. Унинг қандай азоб чекаётганини эшишибоқ юрагимиз ортга тортарди.

-Худойим ҳамманинг дардини енгил, жон топширишини осон қилсин! – деб келарди кўргани борганлар.

Кейин унинг ҳам жони узилгани ҳақида хабар эшитдик. Маҳалладош бўлганимиз учун яқинларига таъзия билдиргани бордик. Аёлнинг жанозаси эриники каби муаммо бўлмади. Дарров жаноза ўқитиш учун мулла олиб келишди.

-Бу кишини диндан чиққан, деб эшитганман. Яна сўрайман. Ростдан ҳам муртадми? Агар муртад бўлса, жанозасини ўқимайман.

-Ўлимидан олдин тавба қилиб, мусулмон бўлди, - деди яқинларидан бири.

Бу гапга ҳеч ким ишонмади. Ахир у бемор бўлиб ётганида оғриқнинг зўридан жуда қийналди. Ҳуши ўзида бўлмаган. Менга энг ёмон таъсир қилгани, ўша ердаги саловат айтишга келган отин онахонлар бўлди. Бир пайтлари уларнинг ўзи шу аёлни динга қайтишга чақириб юришганди. Бугун эса унинг ўлимини эшита солиб, келиб олишган. Албатта уларни ҳеч ким илтимос қилиб чақирмайди. Наҳотки икки минг сўм пул ва бир ярим метр мато учун улар ҳамма нарсага тайёр бўлса? Ахир улар бу ерга келишмаса, марҳума муртадлиги туфайли ҳамма савоббахш дуолардан маҳрум бўлганлигини айтишганида, одамларга ибрат бўлармиди?.. Шуларни ўйлаб, уйгача сиқилиб келдим. Йўлда ҳам аёллар роса гапиришди:

-Қариндошлари ҳам ноиложликдан, ўликнинг кўчада қолишидан қўрқиб ёлғон гапиришган-да!

-Уларни тушунса бўлади. Лекин отинларни-чи? – чидаб туролмадим. Шундай пайтда улар одамларга сабоқ бўладиган иш қилишлари керак эди. Уларнинг

иши ҳам муртадниридан кам эмас. Нега Худо шу ернинг ўзида жазосини бериб, одамларга ибрат қилиб қўймас экан?

-Жаҳлингиз чиқмасин! Ҳеч ким жазосиз қолмайди. Бу дунёда бўлмаса, у дунёда олади жазосини...

Уйга келиб ҳам ўзимни босолмадим. Бу ҳам етмаганидек, марҳумани қабрга қўйиш учун бошқалар қатори кетган турмуш ўртоғим ҳеч келай демасди. Кечга яқин бир аҳволда кириб келди:

-Тавба, тавба! Минг тавбалар қилиб келаяпман. Худонинг ишини қара. Шу ернинг ўзида аёлга жазосини берди. Ҳеч кимнинг бошига солмасин бундай кунни!

-Тинчликми? – ҳайрон бўлдим.

-Марҳумани ер қабул қилмади! Жаноза ўқиган мулла ҳам кўрқиб кетди. “Ростдан мусулмонмиди, мени алдаб жаноза ўқитмадиларингми?” дея қайта-қайта сўради.

-Ер қабул қилмади? Бу нима деганингиз?

-Борсак, ҳали қабрни ковлаб бўлишмаган экан. Одамлар гўрковларга гапиришган эди, улар узр сўраб, олдинроқ даҳшатли воқеани айтиб беришли. Аёлга эрининг ёнидан қабр ковлашибди. Астағфируллоҳ, тасаввур қилиб бўлмас бу ҳодисани кўр. Қабр эрининг қабри устидан тушиб қолганмиш. Бўлмаса, гўрковлар билишади-ку! Буям Худонинг ишида! Ҳам эрига, ҳам хотинига берган жазоси. Кейин улар тавба қилиб, ковлаган қабрларини яна ёпишибди. Қўрқанларидан бошқа жойдан ковлашаётган экан. Биз қабр ковлаб бўлгунларича кутиб турдик. Ишонасанми, икки метрлик кенг қабрга марҳума сифмади!

Бутун танам жимиirlаб, ғалати бўлиб кетдим:

-Унинг бўйи баланд эмасдику!

-Шуни айтаман-да! Ҳамма қатори унга ҳам қабр ковлашган. Сифмаганидан кейин қайта чиқариб, яна кен-

гайтиришди. Айтсам, ишонмайсан, яна сиғмади! Охири, мулла “Биринчи қабр ҳам беҳикмат эмасди. Мархумани ер қабул қилмаяпти. Аллоҳнинг ўзи кечирсин, амаллаб сиғдиинглар”, деди. Шу билан уни икки томонидан итариб киргизгандек қилиб қабрга тиқишиди.

Бу гапларни эшитиб, минг бор имон келтирдим. Бошқаларни ҳам ҳүшёрликка чақирсин, ибрат бўлсин, деб сизларга мурожаат қилдим. Ҳеч кимни йўлдан адаштирмасин!

КАСАЛЛИК ДАВОСИ

Мисрлик юраги хаста киши Оврупага - Британияга ўзини текширтиргани борди. Уни кўриқдан ўтказган шифокорлар:

-Касалингиз оғир, жарроҳлик амалиётини ўтказиш керак. Лекин натижага ҳам тўлиқ кафолат йўқ, юрагингиз заиф!» дейишиди.

-Ундай бўлса, юртимга қайтиб, фарзандларим билан видолашиб келаман -деди.

Шифокорлар:

-Кеч қолманг. Аҳволингиз оғир,-деб такроклашди.

Ватанига қайтиб, болаларини жамлади. Уларни сабрга чақирди. Бу учрашув охиргиси бўлиши, амалиётдан соғ чиқмаслиги мумкинлигини айтди.

Сўнг баъзи дўстларини зиёрат қилиб, Аллоҳга йўлиқиши учун тараддудини кўрмоқчи бўлди.

У кишининг ўзи айтади:

-Бир дўстимни кўришга идорасига бордим. Идора яқинида қассобхона ҳам бор эди. Атрофга назар солиб қарасам, бир кекса аёл ерга тушган ва ахлат қутисидан гўшт, суяқ, ёғ парчаларини териб, халтага solaётганди.

Унинг олдига бордим. Ишидан ҳайрон бўлиб:

-Нима қилаяпсиз? - дедим.

-Бешта кичик ёшли қизларим бор. Бир йилдан бери умуман гўшт ейишмайди. Ейишмаса ҳам, ҳидини ҳидлашсин дедим! - деди.

Унинг бу гапларидан кўзларимга ёш келди. Уни қассобнинг олдига олиб кириб:

-Бу аёлга ҳар ҳафта менинг ҳисобимдан гўшт берасиз! - дедим.

Аёл тинмай:

-Йўқ, йўқ, керакмас, -дерди.

-Ҳар ҳафта келиб, сизга қанча гўшт керак бўлса, шу ердан оласиз! - дедим.

-Менга бир кило етади, - деди.

-Йўқ, икки кило қилиб оласиз! - дедим.

Олдиндан бир йилликнинг пулинин тўладим. Буни кўрган аёл, ҳаққимга йиғлаб дуо қилди. Кайфиятим кўтарилидди. Ўзимни баҳтиёр сездим, қилган ишимдан мамнун, қалбимда хузур билан уйга қайтдим.

Мени қизалоғим қарши олди.

-Дадажон, жуда хурсанд кўринасиз, - деди.

Унга бўлган воқеани айтиб бердим. Қизим ақлли эди, йиғлаб қўлларини очиб:

-Эй Аллоҳим, дадажоним ўша аёлга ёрдам қилгандаридек, Сен ҳам уларга ёрдам бер! Дардларига шифо бер! - деди.

Қолган ишларимни ҳам битириб, болаларим билан хайрлашиб, амалиёт учун Оврупага қайтдим. Доктор мени текширди. Ҳайрат билан:

-Қаерда даволандингиз, қайси шифохонада? - деди.

-Нимани назарда тутаяпсиз? - дедим.

-Қаерга бордингиз, деб сўраяпман. Ким сизни муолажа қилди? - деди.

-Аллоҳга қасам, ҳеч қаерга бормадим. Фарзандларим билан хайрлашиб қайтдим - дедим.

-Тұғрисини сүзланг! Юрагингиздаги касаллик умуман қолмабди! - деди.

-Нималар деяпсиз, доктор? - дедим.

-Худди у бемор сиз эмас, бошқа одам бўлгандек. Қайси шифохона у? Сизни қандай даволади? Қандай дорилар истеъмол қилдингиз? Рўйхати борми? Беринг, илтимос! - деди.

-Ҳеч қаерда даволанмадим! - дедим-у, аёлнинг дуолари ёдимга келди. Ичимда, Аллоҳ унинг ҳоли ҳақиқатда ҳам ғарип бўлганидан, мени самимий солиҳ амалим, унинг ва солиха қизимнинг қалбдан қилган дуолари ижобат бўлганидан, менга соғлигимни қайтариб берди, деб ўйладим...

Ибрат:

-Ҳаётимизда баъзи муаммолар бўладики, ечими солиҳ амалларга беркитилган бўлади.

-Аллоҳга яхши қарз беринглар. Ўзингиз учун нима яхшилик қилган бўлсангиз, Аллоҳнинг ҳузурида ундан яхшироғини ва улканроқ ажрни топарсизлар.

ЯНА БЕШ ДАҚИҚА...

Боғдаги ўйингоҳ атрофида ўтирган эркак ёнига бир нотаниш аёл келиб ўтириди ва қизил жемпер кийган, кичик, сирғанчиқ учаётган болани кўрсатиб:

-Анави менинг ўғлим,- деди,

-Жуда ақлли болага ўхшаяпти. Анави оқ кўйлакда, велосипед учаётган қиз эса менинг қизим,- деди эркак.

Шу пайт соатига қараб, қизини чақира бошлади:

-Қизим, уйга қайтсак нима дейсан?

-Дадажан, яна беш дақиқа. Илтимос, беш дақиқагина, дадажон.

Ота бош иргаб розилик билдириди, қизалоқ атроф бўйлаб вело сайрини давом эттириди. Бир неча дақиқа ўтгач, ота яна қизини чақира бошлади:

-Энди кетсак бўлар, қизим?
Қизча яна илтимос қила бошлади:
-Яна беш дақиқа, дадажон, беш дақиқа...
Ота жилмайганча рози бўлди. Вазиятни кўриб турган нотаниш аёл, эркакка қараб:

-Жуда сабрли ва меҳрибон ота экансиз,- деб мақтай кетди. Эркак эса хўрсиниб, аёлга шундай жавоб берди:

-Марҳум ўғлим, қизимнинг акаси, ўтган йили, шу ерда велосипед учәтиб, маст ҳолда машина бошқарган ҳайдовчининг қурбонига айланди. Мен ҳеч қачон ўғлим билан кўп вақт ўтказмаганман ва бу менинг энг катта армоним! – эркакнинг кўзларида ёш пайдо бўлди.- Ўғлим кўп марталаб мени кинога, сайдга, ҳайвонот боғига, бирга ўйнашга таклиф қиласарди... Мен нодон эса, ишим кўплигини баҳона қилиб, доимо инкор қиласар эдим. Қани эди уни ҳеч бўлмагандан бир марта ҳайвонот боғига ёки кинога олиб борган бўлсайдим, у билан бир соатги на бўлса ҳам бирга ўйнаган бўлсайдим. Ўша машина урган кунда ҳам ўғлим: “Дадажон, юринг, бир мартагина бўлса ҳам мен билан сайдга чиқинг, сизни дўстларимга кўрсатиб мақтангим келаяпти. Улар сайдга оталари билан чиқишади, мен эса доим ёлғиз” деган эди. Мен эса, одатдагидек “кейинги сафар” деб алдаб қўяқолибман. Мана шу ишим учун ўзимни ҳеч кечира олмайман!

Ўғлимга бера олмаган меҳримни энди қизимга беришга ҳаракат қиласарман. Қизимга беш дақиқа кўпроқ меҳр берганимдан мамнунман. У вело сайди тугашига яна беш дақиқа бор дея ўйлайди, аслида мен уни томоша қилиб, завқланишим учун, яна беш дақиқа қўшаман холос!

Яқинларимизга кўпроқ вақт ажратайлик, кўпроқ меҳр берайлик. Ҳамма нарса ғанимат...

ФАРЗАНДИНГИЗНИ ҚАРҒАМАНГ

Қизим! Болажоним! Мана сенинг қабрингга ҳам баҳор келибди... Ўтган йилги баҳорда орзуларга тўлиб, ўйнаб-кулиб юрар эдинг. Гоҳида ўйинқароқлик қилиб гапимга кирмас эдинг.

-Ўлиб кет!

-Ер ютсин!

-Кўзимга кўринма!

-Сендай болани боридан йўғи!

Хаётда ўрнимни топаман, деб югуриб, мен-га эътибор бермай қўйган боламни ўз ҳаётидан қизғанибман-а! Ҳар сафар жаҳлимни чиқарса ўйламай қарғайверибман.

Мана - нола қилганимдек ер ютди сени. Сени ер ютгунча, менинг қарговчи тилим кесилса бўлмасмиди? Дуом сўзсиз ўтишини билганимда «орқамдан қол» дердим. Афсус... Кечир мени, болажоним! Нодон онангни кечир...

РИЁКОР “ЭҲСОНИ”

Қиши фаслининг ўрталари эди. Анчадан бери бетоб ётган тогамни кўришга боргандим. Умри оғир меҳнатда ўтган тогам етмишдан ошганди. Ранглари сарғайган мўйсафиднинг бир неча кундан бери иштаҳаси йўқлигини, суюқ овқатнинг сувидан, шунда ҳам кам-пирининг қистови билан бир-икки қошиқ ичаётганини айтишди.

Суҳбат орасида bemордан:

-Нима егингиз келяпти? Айтинг, олиб келайлик, - деб сўрашганди, отахон узоқ жим туриб:

-Хозир хусайнин узум бормикин?...деди. Шунда ўғли ўйлаб ҳам ўтирмай:

-Э-э, хозир узумни неча пуллигини биласизми ўзи?-деса бўладими?

Отахон:

-Ха, айтдим-қўйдим-да, ўғлим. Одам қариса, болага ўхшаб қоларкан - деди.

Мен ўзимни зўрға тийиб турдим. Тоғамнинг ўғлига тарсаки бўлмасин, деб эртасига яна хабар олишни, узум олиб келишни ният қилдим. Аммо бу сусткашлигим бир умрлик армонга сабаб бўлди. Эртасига тонгда тоғам узилдилар. Бир ҳафта ўтиб ўғил элга катта дастурхон ёзиб, қўй сўйиб “эҳсон” қилди.

Онамнинг қистовлари билан мажбур бордим. Хизмат қилиб, чой ташиб юриб дастурхондаги ноз-неъматлар орасида олтиндек ҳусайни узумни кўриб, кўз олдимга бир ҳафта олдинги манзара келди. Томоғимга нимадир тиқилди. Кўчага чиқиб кетдим...

Ахир тоғам болаларини боқаман деб иссиқ-совук демай, оғир меҳнатда соғлигини ҳам йўқотганди-ку. Ота тириклигига раво кўрмаган озгина нарсани ўғил энди элнинг олдига сочиб риё қилишининг нима керағи бор?!

ҲАҚИҚИЙ МУҲТОЖ...

Бир киши мардикор бозорига борди. Машинадан тушиши билан иш қидириб юрганлар атрофини ўраб олишди.

-Хожатхонани кўчирғандик. Бир уюм нажас бор. Челаклаб ташиб керак. Ким боради?

-Ээ..

Ҳамма ўгирилиб кета бошлади. Бирор киши бу ишни қилишни хоҳламади.

Иккинчи куни яна борди. Яна ўша аҳвол...

-Йўғ-е, бунақа иш қилмаймиз. Юклаб тушириш, ташиб бўлса эди, бошқа гап. Ундан кўра, шу ерда кунни кечлаймиз, -дейишди.

Учинчи куни бир йигит рўпара бўлди:

-Майли, ака. Ҳар қандай ишга розиман. Пулга жуда муҳтожман. Аёлим рўза тутган, уйда эса егани нон йўқ!

-Ука, - деди ҳалиги одам, -Мана бу 500 минг сизга. Ҳеч қанақа иш йўқ. Закот беришга ҳақиқий муҳтожни қидирдим...

Бу гапдан қотиб қолган йигитнинг кўзлари ёшга тўлди...

НОЎРИН РАШК

Ёш қиз кафеда қайлиғини кутиб ўтиради. Улар ишдан сўнг учрашишга келишиб олишганди. Қиз бир фижон чой буюртириди. Чой ичиб атрофга назар солди. Шунда кўзи унга қараб турган йигитга тушди. Аҳамият бермай чойини хўплади.

Орадан бир неча дақиқа ўтиб, қизнинг нигоҳи яна ўша йигитга қадалди. У ҳамон қиздан кўзларини узмаганди. Қиз унинг бу совуқ қаравидан ўзини ноқулай сезди. Жаҳли чиқа бошлади.

Қайлиғи келди. Йигитнинг хунук қараганини айтди. Қайлиғи ўрнидан забт туриб бориб у йигитни уриб йиқитди. Қиз қайлиғини бегонанинг қаравидан шунчалик ра什к қилганидан хурсанд бўлиб кетди. Улар биргалиқда кафедан чиқиб кетишлиди.

Дўппосланган йигит эса, нима бўлганини англомай, ҳассасини топиш учун бармоқлари билан атрофи ни пайпасларди. Унинг кўзи ожизлигини қўшни столда ўтирган қизлар энди тушуниб етишлиди ва кўзларида ёш билан ёрдамга шошилишиди...

Хаётда кўп нарсалар, ҳолатларнинг асли кўрингани-дек бўлмайди.

Хулосага шошилманг!

АЛЛОҲНИНГ МҮЖИЗАСИ

-Илтимос, менга “мўъжиза” деган дорингиздан бир дона бериб юборинг, - кичкинагина қизчанинг бу сўзлари дори сотувчи аёлни таажжуубга солди.

-Қанақа дорини айтаяпсан? - сўради у.

-Укам оғир касал бўлиб ётибди. Онам эса уни фақат Аллоҳнинг мўъжизаси қутқара олади, деяптилар. Дадамда эса, бу дорини сотиб олиш учун пул йўқ. Ўзимни озгина йиққаним бор эди. Илтимос, бир дона бўлса ҳам ана шу дорингиздан беринг!

-Кизалоқ, айтаяпман-ку, бундай дори йўқ, сотилмайди.

-Илтимос, пулинин тўлайман, етмаса эртага келтириб бераман. Бир дона бўлса ҳам “Аллоҳнинг мўъжизаси”дан бера қолинг!

Шу пайт эшикдан яхши кийинган, кўзойнакли харидор кириб келди. У қизчани сўнгги гапларини эшитишга улгурган эди.

-Кизалоғим, қандай мўъжизани айтаяпсан? - деб сўради у.

-Билмадим. Менга шундай деб аталган дори жудаям керак. Укам операция қилиниши керак, аммо отам керакли пулни топиб бера олмаяптилар. Уларнинг айтишича, “Аллоҳнинг мўъжизаси”гина укажонимни асраб қолар экан. Нархи қиммат бўлса ҳам уни сотиб олардим, - деди қизалоқ кўзларидағи ёшни артиб.

-Хўш, ёнингда қанча пулинг бор? - деб сўради ҳалиги киши.

-Ўн яrim рупия!

-Мени укангнинг ёнига олиб бора оласанми? Унга қандай мўъжиза кераклигини билмоқчи эдим.

Бу киши Эрондаги машҳур доктор Ашрафий эди. У болани кўрди-да, операцияга тайёргарлик кўриш учун буйруқ берди.

Операция муваффақиятли якунланди. Бола кўзини очиб, мулойим жилмайди. Она эса юм-юм йиғлаб шундай деди:

-Рахмат доктор. Сиз туфайли болам тирик қолди.

-Кечирасиз, - деди шифокор, - бу менинг ишим эмас.

Мен уни қутқарганим йўқ. Бу жажжи қизалоқнинг илтожиси асосида қабул бўлган Аллоҳнинг инояти, унинг мўъжизаси.

-Пулинни қандай тўлаймиз? Нархи қанча бўлади?

Жарроҳ жилмайди.

-Ҳеч қанча. Хавотир олманг, пули тўланган. Бу менинг ҳаётимдаги энг қиммат операция.

Онанинг кўз ёшлари ила отилиб чиққан сўзлари шубўлди:

-Рахмат сизга! Бу яхшилигинги зни бир умр унумтмайман.

Бу пайтда она операциянинг нархи атиги ўн ярим рупияга баҳоланганидан бехабар эди. Аллоҳ эса ўз мўъжизасини яна бир карра исботлаш учун шифокорни восита қилганди.

СЕНГА АЛЛОҲ КИФОЯ КИЛСИН!

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Муоз розияллоҳу анхуни Яманга юбора туриб шундай дедилар:

“Мазлумнинг дуосидан эҳтиёт бўл. Зеро, унинг дуоси билан Аллоҳнинг орасида парда-тўсик йўқдир” (Муттафақун алайҳ).

Шу ўринда Саудия Арабистонининг Жидда шаҳрида бўлиб ўтган бир воқеани келтириб ўтамиз.

Чорраҳалардан бирида кичик юк машинаси ва енгил машина тўқнашиб кетди. Юк машина ҳайдовчиси Суданлик, енгил машина эгаси Саудиялик бўлиб, тўқнашув

натижасида иккала машинага ҳам айтарли даражада зарар етмаганди.

Саудиялик жаҳл билан машинасидан тушиб, тўқнашув тўлиқ ўзининг хатоси натижасида бўлганига қарамай суданликни сўкиб, ҳақоратлаб, лаънатлаб, олдига борди-да, юзига тарсаки тортиб юборди. Зарбанинг кучлилигидан суданлик ҳайдовчининг кўзи чиқиб кетишига бир баҳя қолди. Лекин у “Сенга Аллоҳ таоло кифоя қилсин. Ишимни унга топширдим. Мен сенинг ҳаққингда хато қилган бўлсан, Аллоҳ таолонинг Ўзимени ҳисоб-китоб қилсин. Агар менга зулм қилган бўлсанг, Аллоҳ таоло сендан кечиктирмасдан, тезлик билан ўч олсин”, дея олди холос...

Суданлик киши воқеанинг давомини ҳикоя қиласди:

“У ердан кетдим. Ичимда бир олов ёнар, қайта-қайта “Ҳасбияллоҳ, ҳасбияллоҳ (менга Аллоҳ таоло кифоя)” деб айтардим.

Бир неча кун ўтгач мол бозорига бориб, машинани бир четга қўйдим. Шу пайт бир киши келиб, “Иккита қўйим бор. Анави кўчадаги ошхонага олиб бориб бермайсанми?” - деб сўраб қолди. Мен рози бўлдим. Қўйларни машинага юкладик, у ўзининг машинаси билан олдинга ўтиб, йўл кўрсатиб борди. Манзилга етгач қўлимни ушлади-да, “Мени танидингми?” деди. “Йўқ”, дедим. У: “Мен сен билан машинада тўқнашиб кетган, юзингга урган кишиман”, деди. Мен яна ўша кунгидек “У ишни ҳузурида ҳақлар зое бўлмайдиган Зотга (Аллоҳга) топширганман”, деб жавоб бердим.

Шу вақт унинг кўзларига ёш келди:

-Қанийди ўшанда менинг устимдан полиция ёки судга арз қилганингда...

Ёки мени уриб қасосингни олганингда...

Сен ишингни топширган Зот ўша воқеанинг эртасигаёқ мендан қасос олди:

Худди шу машинада автоҳалокатга учрадим, икки фарзандим, ўғлим ва қизим ҳалок бўлди... Аллоҳ таолога қасамки, мен кўчаларни кезиб, кечирим сўраш, розили-гингни олиш учун ўн беш кундан бери сени қидираман. Менга келган мусибатга сабр қилдим, буни қилган зулмим учун дунёда берилган жазо деб билдим. Лекин аниқ ишондимки, охиратдаги ҳисоб-китобдан қочиб қутулиб бўлмас экан. Мана мен олдингдаман. Сендан фақат бир нарсани сўрайман: мендан қасосингни ол, хоҳлаган ишингни қил, лекин мени кечир!"

Унинг ҳолатини, йиғлаётганини кўриб раҳмим келди. Унга:

-Кечиримли киши ҳурматга сазовордир. Аллоҳ таоло сени кечирсин, гуноҳларингни мағфират қилсин", - дедим...!

У кетди. Олдимдан узоқлашар экан, қайта-қайта "Аллоҳ таолога қасамки, бундан кейин ҳеч қайси мусулмонга зулм қилмайман! Аллоҳ таолога қасамки, бундан кейин ҳеч қайси мусулмонга зулм қилмайман!" – деб айтарди...

Бу ҳаётда содир бўлган, воқеий қисса.

Мазлумнинг дуосидан эҳтиёт бўлинг. Одамларга озор бериб, "Табиатан шундай одамман", деб ўзингизни оқламанг. Жим турган ҳар қандай киши жавоб қайтаришдан ожиз эмас. Шундай кишилар бўладики, қалби оғриётганлиги, агар гапирса, бу оғриқ янада кучайиб кетиши туфайли жим туради. Шундайлар бўладики, гапирган гапи фойда бермаслигини билгани учун ҳам сукут сақлайди. Яна шундай одамлар бўладики, бошқаларга зарар бериб қўймаслик учун ғазабланган вақтида сукут сақлайди....

Билмаганларга билдирганлар ва унуганларга эслатганларга Ўзи ёрдамчи, химоячи ва кўмакчи бўлсин!

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар:

“Мазлумнинг дуосидан сақланинглар. Зеро, у булутга кўтарилади. Аллоҳ: “Иzzатим ва улуғлигимга қасамки, гарчи озгинадан кейин бўлсада сенга, албатта, ёрдам бераман”, дейди” (Табароний ривояти).

Аллоҳ таоло барчамизни мазкур воқеадан ибрат оладиган ва ёмон амаллардан сақланадиганлардан қилсин.

ПОСТ

Шерзод ҳар кунгидек ишдан вақт алламаҳал бўлганида кириб келди. Кўча дарвозасини ёпар экан, шу яқин кулбадан онасининг овози келди:

-Эсон-омон келдингми болам?

-Уфф..., ҳалиям ухламадингизми? Келмай қаёққа ҳам борардим, ухлайверсангиз бўлмайдими,- дея ғудранди Шерзод.

Шерзод енгил машинаси билан киракашлик қиласиди. Ҳар тун шундай кеч келади. Ҳозир ҳам қўлидаги пакетни кўтарганича атрофга аланглаб, ўз уйи томон кетди. Онаси дарвозахонага яқин кичик кулбада, Шерзод оиласи билан ҳовли этагидаги уйда туришади. Уйига кириб борар экан хотинининг овози келди...

-«Пост»дан эсон омон ўтиб олдингизми? Иссиқ чойингиз тайёр, ана, дея Шерзодни қўлидан пакетни олиб, ичидаги нарсаларни стол устига қўя бошлади.

Шундай кунларнинг бирида Она оламдан ўтди. Шерзод онаси маъракасини ўtkазиб бўлиб, ташқарида ўтирган эди. Ўғли бир хатни келтириб унинг қўлига берди ва деди:

-Бувим бу хатни сизга қолдирибдилар, дада, - деди. Шерзод хатни очиб ўқий бошлади.

-Болажоним, кўзимнинг оқу-қораси. Сени ҳар тонг кўча ишига кузатар эканман, Аллоҳдан дуои жонингни тилаб, ўз паноҳида асршини сўраб ўтираман. Шом

номозидан сўнг бошимни саждадан ололмай қоламан. Чунки ёмонликларнинг кўпи кечаси тунда содир бўла-ди. Шулардан сенга зиён етишидан қўрқаман, қачон дарвозадан кириб келганингни эшитиб, кейин сажда-дан бошимни кўтараман...

Сизлар менинг кулбамни “пост” деб аташингларни ҳам биламан... Ҳар кеч қўлингдаги пакетга қўзим тушса, ичидан менга бирор нарса олиб берсанг, оиласнгда ғалва бўлишини ўйлаб, ўзимни кўрсатмай “келдингими, болам” дея овоз чиқараман.

Ва яна Аллоҳимга илтижо қилиб сўрайман, шу менинг кулбам сенга, сени оиласнгга келадиган бало-қазолар учун ҳамиша “Пост” бўлишини, келган бало сизларга эмас, менга урилишини...

Ушбу хатимни ўқияпсанми, демак энди мен йўқман... Барваста бўйларингдан қучиб қоламан, болажоним. Сени доим Аллоҳнинг Ўзи асрасин. Энди сен ҳам тоат-ибодатда бўл. Сени Аллоҳга омонат қолдирдим...

Шерзод кўзларига тўлиб келган ёшдан, бўғзидағи тиқилиб қолган ўкирик, йифидан ўзини тутолмади:

-Онаааам...! Онажонииим...!

Ха, азизлар, умр югурик дарё. Онажониси ҳаёт инсонлар, яқинларимиз омонат. Ота-она ғанимат. Озги-на вақтингизни, топган пулингиздан арзимас қисмини Онангиз учун ажратинг... Онангизнинг шу пайтдаги баҳтиёрлигини бутун олам шодлигига алишмайсиз, синаб кўринг! Улардан кейин ҳам бундай пул, мол-дунёни яна кўп топасиз, аммо бу илохий сиймони, унинг меҳрини топа олмайсиз!!!

OTA...

Шайх Алий Тантовий дурдоналаридан:

Бир йигит менга қуйидаги воқеани айтиб берди:
“Отам билан бир масалада келишолмай қолдим. Бироз

овозимни күтаришгача бордим. Олдимда китоб-дафтарларим турган эди. Уларни столим устига улсқытирдим ва ётоқхонамга кириб кетдим. Хафалик ва қайғу қалбим ва ақлимни бутунлай чулғаб олган эди. Ётөфимга чўзилиб. ёстиққа бошимни қўйдим. Ўзи одатда бирон нарсадан қаттиқ сиқилсан, ғам-андуҳ менга етса, ухлашга ҳаракат қиласан.

Одатдагидек, эртаси куни университетдан чиқдим, меҳрибон отамга эркаланиб ва кечаги қилмишимни “ювиш” мақсадида: “Отажоним! Эшишишимга қараганда инсон оёғининг таг қисми устидан кўра юмшоқ ва майин бўлар экан. Бу гапни тўғрилигини аниқлаш учун муборак қадамингиз лабим билан буни тажриба қилишга изн берармикан?”, деб СМС ёздим. Хонадонимизга етиб бориб эшикни очсан, отам мени дахлизда кутиб турган эдилар. Кўзларидан оқсан ёш икки юзларини ювигашган эди. Менга:

—Оёғимни ўпишингга ҳаргиз ижозат бермайман. Сен айтган гап жуда ҳам тўғри, мен уни сен гўдаклик чоғингда оёғингни усти ва тагини ўпиб, синааб кўриб билганман”, - дедилар.

Отамнинг бу гапларидан кейин кўз ёшларимни тута олмадим”.

Оталаримиз бир кун, албатта, Раббимизнинг берган муддатини ўтаб, абадий дунёга кетишлари бор. Борликларида уларга эҳтиромни ва яхшиликларни қилиб қолишга ҳаракат қилайлик! Зеро ҳадисда “Оталарингизга яхшилик ва гўзал муомалада бўлинг, фарзандларингиз ҳам сизга яхшилик ва гўзал муомалада бўлишади” дейилган. (Табароний ривояти)

«Роббим, улар мени кичикликда тарбия қилганларидек, уларга раҳм қилгин» (Исро сураси-24)

Эслатиб ўтамизки, шу отаси билан урушиб, овозини кўтарган бола ўша ҳолатда отасига оқ бўлди. Агар отаси-

ни ғазабини кетказиб, рози қилгунича бўлган муддатда отаси вафот этса, бу бола оқпадар бўлиб дунё ва охирати бадбаҳт бўлиб қолар эди. Шунинг учун ота-онангизни ғазабини келтириб, хафа қилиб қўйишдан эҳтиёт бўлинг.

ТУҲМАТНИНГ ЖАЗОСИ...

Кеча ҳамкасбим Шахноз бир танишини бошидан ўт-казган воқеани айтиб берди.

Уч йил илгари ҳайтимдаги энг катта хатога йўл қўйдим. Яқинларимнинг гапига кириб, “яхшилик” қилган одамимга ёмонликни раво кўрдим. Бироқ бу дунёда ҳар нарсанинг ҳисоб-китоби бор деганларидай, ўша номардлигим кўп ўтмаёқ ўзимга “жазо” бўлиб қайтди...

Ўшанда айни ёз эди...

Эрталаб уй юмушларини бажариб бўлгач, болаларими-ни боғчага қўйдим-да, харид қилиш мақсадида бозорга йўл олдим. Бозорга бориб сумкамни кавласам, кармон йўқ. Юрагим шув этиб кетди. Бирон киши ўғирлаб ол-димикан, ахир эрталаб уйдан чиқаётганимда сумкамда турғанди-ку. Ким олган бўлиши мумкин, дея сумкани яна титкилай бошладим. Йўлда тушиб қолгандир дея юрган йўлимдан ортимга қайтдим. Йўлимда учраган бир-икки кишидан сўрадим. Йўқ...

“Эсизгина, 30000 сўмни ҳавога совурдим-да”, -дея уйга келиб роса хунобим ошди. Рўзгорга деб тишимни кавагида асраб юрган пулимни йўқотганимга ичим ку-йиб кетаётганди. Шу зайл орадан бир неча кун ўтди...

-Кечирасиз, синглим, сизнинг исмингиз Гулсара-ми?! - орадан уч кун ўтиб, эрталаб ҳовли супураёт-сан, 45 ёшлардаги нотаниш бир эркак дарвозамизни тақиллатди.

-Ха, келинг. Кечирасиз, сизни танимайроқ турибман?! - дея юрагим алланечук бўлиб унга пешвоз чиқдим.

-Синглим, - эркак чўнтагини кавлаб, қоғозга ўроғлик ниманидир чиқарди-да, менга узатди.

-Мана бу сизнинг нарсангиз. Уч кун аввал ишдан қайтаётсам, боғчани рўпарасидаги йўлакчада ётган экан. Эгаси ким, дея атрофдагилардан роса суриштирдим. Кеча кечкурун маҳаллангизда яшайдиган бир танишим сизнинг пул йўқотганингизни айтиб қолди...

Қоғозни олиб, шоша-пиша очиб кўрдим. Хақиқатдан ҳам мен бозорда йўқотган кармон, пуллари ҳам ичидатурибди. Эркакка қайта-қайта миннатдорчилик билдирганча кузатиб қўйдим. Кечкурун уйга келган укамга бўлган воқеани айтгандим, у менинг соддалигимни юзимга солиб, фикрларимни чалғитишга уринди...

-Бирам соддасиз-да, опа. Шу ёшга кирсангиз ҳам бўшлигингиз қолмабди. Сиздан бошқа бўлганда пулим кўпроқ эди, деб яна ундирган бўларди. Ҳалиям кеч эмас. Ўша одамнинг кимлигини биласиз, кўрсангиз танийсиз. Милицияга бориб, пулимни топиб олган одамга даъвоим бор денг. Қолганини ўzlари ҳал қилиб беришади...

Укамнинг гапларидан аввалига аччиғим чиқди. Яхшилил қилиб пулимни қайтариб келган одамни юз-кўзига қараб қандай алдайман, деб ўйландим. Агар унинг ўрнида бошқа одам пулни топиб олиб, ўз харажатларига ишлатиб юборганида нима бўларди? Укамга қаршилик қилдим. Аммо укамни ҳадеб шу гапни такрорлашидан нафсим устунлик қилдими, бу таклифга қандай рози бўлганимни сезмай қолдим...

Ўша тундаёқ укам иккимиз маҳалла нозирига учраб, даъво аризаси ёздик. Эртасига тушда мени милицияхонага чақиритиришди. Борсам, тунов кунги эркак мунфайиб ўтирибди...

-Кармонимнинг ичида 100.000 сўм бор эди. Сиз менга 30.000 сўм қайтардингиз, - дея укам ўргатган ёлғонларни ишлатдим.

-Синглим, нималар деяпсиз?! Ахир мен кармонингизни очиб ҳам кўрмаганман, - эркак тухматдан довдирраб қолди шекилли, йиғламсираган овозда жовдиради...

-Очиб кўрганмисиз, кўрмаганмисиз, ўёғи менга қоронғу. Аммо кармонимда 100.000 борлигини аниқ биламан, - дедим сурбетлик билан. Эркакнинг қуруқ тухматдан кўзларида ёш айлана бошлади:

-Синглим, менинг тўртта болам бор. Мен уларни «ҳалол ризқ» едириб катта қиласяпман. Агар бирон тийинингизга хиёнат қилган бўлсан яхшилигимга буюрмасин!

Қисқаси, эркак айбини бўйнига олмади. Худди бошидагидек мен уни очиб ҳам кўрганим йўқ, деб туриб олди. Мен ҳам оёғимни тираб олганимдан сўнг эркак “айби”ни бўйнига олишга мажбур бўлди.

-Синглим, кичкинагина яхшилигим эвазига шунчалик ёмонлик қайтардингиз-а?! Мен ҳалол ризқ топадиган, ойликка яшайдиган оддий ишчиман. Болаларимнинг ризқини қирқаяпсиз! Майли, АЛЛОҲ ҳаммасини кўриб турибди!, - деди у алам билан милицияхонадан чиқаётганимизда. Унинг кўзлари ёшланганини кўрсамда, кўрмасликка олдим..

Бирок, орадан уч кун ўтар ўтмас, эрталаб ўрнимдан турай десам, тура олмадим. Оёқ-қўлларим худди елимлаб қўйилгандек қимир этмади. Нега бундай бўлаётганини тушунмай, дод солиб йиғладим.

Шифокорларни чақиртирдик. Аммо ҳаммасини гапи битта, елка қисиб “тушунмадик” дейишдан нарига ўтишмайди. Шунда хаёлимга беихтиёр милицияхонадан чиқаётганида қуруқ тухматимдан оғринган эркак кел-

ди-ю, “бу Худонинг менга берган жазоси!” дея йиғлаб юбордим.

Ҳар қандай ЯХШИ ёки ЁМОН амалнинг жазоси бор экан. Айниқса, била туриб қилинган ЁМОНЛИК сизни виждан азобида қийнамасдан, танингизни зирқиратмасдан қўймас экан...

Орадан бир ой ўтиб, яна оёққа турдим. Лекин шувакт оралиғида тортган азоб-уқубатларимни ўйласам, дунёга сиғмай кетаман. Тухмат йўли билан топган пулларим эса бир неча ўн баравар бўлиб чиқиб кетди...

“Агар ўшанда яхшиликка ёмонлик билан жавоб қайтармаганимда мана шундай куйларга тушмаган бўлардим”, - дея ўзимни ўзим койийман. Шояд менинг бу хатоим, гуноҳим кимларгадир ўрнак бўлса, мана шундай ишларни қилиш арафасида турган ғофил бандарнинг қалб қўзини очилишига ёрдам берса...

Куруқ тухмат балосидан Аллоҳимни ўзи арасин! Зеро, ҳеч бир сабабсиз қўлга «тикан» ҳам кирмайди...

ГОЙИБОНА ЯХШИЛИК

Танишимни илтимоси билан бир хонадонга иш билан бордик. Хонадонда ёшлари саксон бирга кирган онахон истиқомат қиласар экан. Тикувчилардан қолган қийқимлардан чойнак кийдиргич, чойнакни тагига қўядиган нарсалар ва кўрпа қовиб тирикчилик қиласар экан.

Тан олиш керак, юртимиздаги кўплаб қариялар билан гаплашсангиз энсангиз қотади, бўлар бўлмас гаплар билан бошингиз оғрийди. Аммо онахонни юзларидан нур ёғилар, ҳар-бир каломлари Қурон ва ҳадисдан иборат. Хуллас, гаплашсангиз қалбингиз ором топади. Юмуш билан келганим ҳам эсимдан чиқиб кетди. Мириқиб сухбатлашдим. Онахонни айтиб берган билан

воқеалари эса жуда ҳам түлқинлантириди. Қуйида шу воқеани келтираман:

“Ёшим саксонга қараб яқинлашгани сари, Аллоҳдан чин күнгилдан дуо қиласадим. Ҳар намозимда “Ё, Аллоҳ, байтингни тавоф қилишни менга насиб айла”, деб дуо қиласадим. Чолимдан эрта тул қолдим. Бир ўғлим тақдир тақозоси билан қамалиб қолди. Икки қизим уйли-жойли бўлиб, ўзидан тинчид кетган. Бир неварам билан ўзим яшайман. Умр бўйи кўрпа қовиб, қийқимлардан бир нарсалар ясаб, ҳалол тирикчилик қилдим. Аллоҳга шукр, ризқимни берди. Орттира олмаган бўлсам ҳам, зориқиб, бирордан тиланмадим. Ҳажга кетаётгандарни кўрсам юрак бағрим оқиб кетарди. Йиғлаб дуолар қиласадим. «Аллоҳ, менга ҳам ҳажга боришни насиб айла», деб тинимсиз нола қиласадим.

Эй, болам, бир кун эшик тақиллади. Чиқсан маҳалладан экан. “Она тез кийиниб чиқинг, иш бор” дейишиди. Кийиниб, ортларидан эргашдим. Тўғри банкка олиб боришиди. Бир дунё пулни кассага топшириб, кўл қўйишимни сўрашди. Нима бўлаётганини тушунмай анграйиб турсам, бир йигит: «Холажон, қўлни қўяверинг, ҳали хурсанд бўласиз”, деди. Пулни тўлаб чиқдик. Бояги йигит қўлимга 500 \$ (беш юз доллар) пул бердида: “Ҳажга борасиз. Тайёргарликни кўраверинг”, - деди. Бошим айланиб, тилим калимага келмай қолди. Бир оздан сўнг ўзимга келиб “Ҳой, боласи тушмагур, тушунтир, нима бўляпти ўзи?” дедим. “Мен ҳам билмайман, онахон. Бир яхши одам бошқа бир йигитча орқали пул жўнатиб, шу хайрли ишга мени масъул қилибди. Биз ҳам ким бу ишни қилганидан бехабармиз. Дуо қилиб қўяверасиз», деди.

Аллоҳнинг мўъжизасига тан бердим. Дуолар қилдим. Йиғлаб-йиғлаб тайёргарликни кўрдим-да, ҳажга жўна-

дим. Ҳаждаги воқеалар ўзи бир дунё. Ҳамма амалларни бажардик. Аллохдан мени байтини кўришга сабабчи бўлган инсон ҳаққига дуолар қилдим. Арконларни бажариб, ортга қайтиш бошланди. Уйга қайтар эканман, уйимни ҳолатидан бир оз хижолат чекдим. Таниш-билишлар зиёратга келса, бироз ноқулай бўлади, деб ўйладим ўзимча. Уйга келиб, не кўз билан қарайки, дарвозам бошқа. Уйимни танимадим. Ичлари оҳорланиб, бир чиройли, кўз кўрса қувнайдиган ҳолатга келтирилибди. Буни ҳам ўша кўринмас одам қилганмиш. Ўша воқеаларга икки йилдан ошди. Ҳали ҳам ўша инсон ҳаққига дуо қиласман. Кимлигини эса билмайман. Дунёда яхшилар бор экан - қиёмат бўлмайди”

Мана, эшитган воқеам шу. Мен жуда таъсирландим. Фоибона яхшилик қилган инсон ҳаққига мен ҳам дуо қилдим. Онахон тўғри айтдилар:

«Яхшилар бор экан, қиёмат бўлмайди».

ОЛМА СОТУВЧИ АМАКИ

Кеч тушди. Дўконни беркитаётган эдим. Ортимдан бир киши:

-Ука, олма оласизми? - деди.

Қарасам, совуқ бўлишига қарамай, юпун кийинган 45-50 ёш чамаси киши, эски велосипедда олма сотиб юрган экан.

-Қани кўрайчи, нархи қанча экан? - олдига яқинлашдим.

-Сизга 7500 дан қилиб бераман, - деди.

Дарров савдогарлигим тутиб кетди.

-5000 дан беринг, ҳаммасини оламан, - дедим.

-Йўқ, ука, майли сизга 7000 дан берай, 4 кг холос, ҳаммасини олинг, - деди.

Қарасам 5000 дан бермайдиган.

-Хўп 6000 дан беринг, 2 килосини оламан, -дедим, -ҳаммаси кўпда ахир.

Бир муддат ўйланиб қолди.

-Ука, ҳаммасини олинг, 6500 дан берай, - деди.

-Ҳаммасини нима қиласман амаки, эртага ҳам со-таверасизда, - дедим.

-Йўқ, бугун ҳаммасини сотишим керақ, келинг, ука, мана хоҳлаган биттасини олиб татиб кўринг, жуда ши-рин олмалар, - деб қора қопча ичидан бир дона олма олиб менга узатди.

Кўзим амаки узатган олмага эмас, олма узатилган қўлларга тушиб қолди.

Совуқдан тилим-тилим бўлиб, ёрилиб кетибди. Бир вақтлар, кузнинг совуқ кунларида, пахта даласида пахта терган вақтимда, ўзимни ҳам қўлларим шундай ёрилиб кетган эди. Эслаб, ичим ачишиб кетди.

Килган ишимдан хафа бўлиб кетдим.

Менга узатган олмани олиб, уни ҳам қопчага сол-дим-да, амакига юзланиб:

-8000 дан оламан, ҳаммасини оламан, - дедим.

Нархни эшитиб, менга ажабланиб қаради.

-Ҳа, ҳа, 8000 дан оламан, - дедим яна қўшимча қилиб.

-Ҳазиллашяпсизми, ука? - дегунча, мен пул санашга тушиб кетдим.

-Мана, 32000, рози бўлинг! - дедим.

Пулни қўлимдан оларкан, санаб ўтирмай, 2000 ни қайтариб берди ва:

-Мен розиман ука, сиз ҳам рози бўлинг, - деди.

Пулларни чўнтағига соларкан, яна менга юзланиб:

-Яхши бўлди-да, жуда зарур эди, аёлимга дорила-рини сотиб олишим керақ эди,- деди кўзларига келган ёшни яширишга ҳаракат қилиб...

Амаки кетгач, менинг ҳам күзларимга ёш келди, бирок қилган ишимдан ўзим ҳам хурсанд бўлдим, кўнглим ёриши.

Ёрилган қўллар эса, ҳамон кўз ўнгимдан кетмаяпти...

МАСЖИД ИМОМИ АЙТИБ БЕРГАН ВОҚЕА

Ўн беш кунча аввал олдимга ўрта ёшлардаги эр-хотин келди.

-Дуо қилиб, дам солиб қўйинг, домла, - деди аёли. Дуодан сўнг аёл эрини имлаб кўрсатиб яна сўз қотди:

-Эрим жуда кўп ичадилар, 4 нафар қизимиз бор, далада оғир меҳнат қилиб кун кечирамиз. Пиёз экамиз, қизларим ёнимга кириб ёрдамлашади. Ўтоқ қилади, сув қуяди. Қўйингки, нима меҳнат бўлса, ҳаммасини биргалашиб қилади. Ҳосил йигилганда қоплаб қўйган пиёзларимизни эрим сотиб, ароқ ичадилар. Лекин ичиб ҳам тинчимайдилар-да! Уйга келиб жанжал кўтарадилар, бақир-чақир қиладилар, мени, менга кўшиб қизларимни ҳам сўкиб, қўрқитадилар. Қизларимни қучоқлаб, юрак ҳовучлаб тонг орттираман.

Яқинда 3-синфда ўқийдиган қизимнинг ҳаракатларига беихтиёр кўзим тушиб қолди. У чўпдан одам шаклини ясаб, ўша чўп билан гаплашаяпти. Чўп ўрнида мени кўрганча:

-Аяжон, сиз эрга тегишни билмаган экансиз. Ичадиган одам билан ичмайдиган одамни юз-кўзидан ажратса бўлади. Ҳали қўрасиз! Мен катта бўлсан, опаларимга ўзим ичмайдиган эр топиб бераман! Аяжон, дадамга айтинг, ичмасинлар! Майли, анави Нигорани дадасига ўхшаб янги кийимлар оберсинлар демайман, Гўзалнинг дадасига ўхшаб байрамларда шаҳарларни айлантириб келсинлар демайман, уйда жим ўтираман, дарсларим-

ни вақтида қиласман, нима иш буюрсангиз, ҳаммасини қиласман, фақат дадам ичмасалар бас! - деяпти.

И мом домланинг гапларини эшишиб, тўғриси нафақат менинг, балки масжиддагиларнинг ҳаммасини кўзи ёшланди. Бу аёлни масжидга етаклаган нарса ҳам шу мурғак гўдакнинг хулосаси бўлса ажабмас. Оталикнинг масъулияти жуда оғир. Бу каби норасидаларга қилинган ва қилинаётган муносабатларга қандай жавоб берамиз?

Аллоҳ таоло маст қилувчи нарсаларни бекорга ҳаром қилмаган! Парвардигор барчамизни ҳидоятга бошласин! Омин!

ИЖОБАТ БЎЛГАН ДУО

Ушбу ҳаётий воқеани бир дугонам айтиб берганди.

Қўшнисининг онаси бетоб бўлиб шифохонага тушиб қолибди. Шифокорлар онахонга қўлларидан келган биринчи тиббий ёрдамни беришибди. Аммо онанинг дарди енгиллашиш ўрнига оғирлашиб кетибди. Кунларнинг бирида шифокор bemornинг аҳволи ёмонлашгани ҳақидаги хабарни фарзандига етказишни шифохона ходимларига буюрибди. Хабарни эшитган фарзанд шошган ҳолатда шифохонага — онасининг ҳузурига отланиди.

Авто уловининг ёқилғиси кам экани, манзилгача етиб бормаслигини билган фарзанд ёқилғи олиш учун ёқилғи қўйиш шахобчасига кирибди. Шу пайт бир четда мушук болалагани, ҳали ҳатто болачалари юра олмаётганига кўзи тушиб, шахобча ходимидан: “Бу кимнинг мушуклари?”, деб сўрабди. Ходим: “Эгаси йўқ”, — дея жавоб қилибди. Шунда бола хаёл қилиб, эгаси бўлмаса, мушукни бир неча боласи ҳали юра олмаса, қандай овқатланади, деб ёнидаги дўкондан консерва сотиб

олиб, уни очиб мушук болалари олдига қўйибди. Ва шошилиб турганлиги боис, тезда шифохона томон равона бўлиди.

Бориб онаси ётган жонлантириш хонасига кирса, онаси жойида йўқ. Фарзанд бир оз ўйга чўмди. Кеч қолдим, деб ўзини койий бошлади. Шу пайт ҳамшира ўтиб қолди. Саросимага тушган фарзанд: “Кечирасиз, шу хонада онам бемор ҳолда оғир ётгандилар”, – деб қўркув аралаш сўради. Ҳамшира она бир оз яхши бўлганлиги учун бошқа хонага олинганлигини айтиб, хонани кўрсатди. Фарзанд хонага кириб, онаизорини анча тетиклашиб, бемалол ётган ҳолида кўрди ва хурсандчилиги ичига сифмай:

-Ассалому алайкум, онажон! Аллоҳ сизга шифо берсин! Нима мўъжиза рўй берди?- деб сўради. Она:

-Болам! Аҳволим жуда оғир, ҳушсиз бир аҳволда ётган эдим. Бирданига бир мушук ва болачалари пайдо бўлиб, қўлларини кўтариб, Аллоҳ таолога шифо сўраб дуо қила бошлашди. Шунда бирданига ўзимда дармон ва қувватни ҳис қилдим. Аҳволимни текширувдан ўтказган шифокорлар ҳам кўзларига ишонмай, ҳайрон қолишиди ва мени оддий хонага ўтказишди,-деб жавоб берди.

Ажабо! Буюк Аллоҳнинг карами кенгдир. Раҳматининг чек-чегараси йўқ. Ўзи хоҳласа, бир дафъада балоларни кўтаради.

Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Беморларингизни садақа бериб даволанглар!” – деб марҳамат қилганлар. Бир жонзотга раҳм қилинганга берилган садақа мукофоти шудир. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Яримта хурмо бериб бўлса ҳам, оловдан сақланинглар” – деб бизларга меҳрибончилик кўрсатганлар.

Яхшиликларимизни бир-бири миздан дариф тутмайлик.

ҚИЗ ФАРЗАНД...

“Киз фарзанд ато эттанинг учун шундай қилдимда”, дейсизми?

Тасаввур қилинг, кечагина жажжи одамча шаклида онам қорнида Аллоҳга ҳамдлар айтиб, дунёни кўришга муштоқ бўлиб турган юракчамни, оёқ-қўлчаларимни эртага ваҳшийларча майда-майда бўлакчаларга бўлиб суғуриб оладилар...”

Бу гаплардан сесканиб кетдим, танамдаги қўрқув ўрнини нафрат эгаллади, ўзимга бўлган нафрат... Бор кучимни тўплаб, ўрнимдан турдим...

-Тўхта, болам, мени кечир, мунофиқ отангни кечир,
- дея ёлвора кетдим...

-Дадаси, туринг, мени қўрқитманг, сизга нима бўлди?

Хотинимнинг овозидан уйғониб кетдим...Кўрган-кечиргандарим тушим экан... Лекин қилмоқчи бўлган хатоимни тўғрилаш учун менга берилган нишонадай эди бу туш...

-Онаси, мен хато қилибман, фарзандимиз туғилади, майли, ҳатто қиз бўла қолсин. Аллоҳнинг берганига шукур, сал бўлмаса катта хато қилиб қўйган бўлардим, - дея хотинимга бўлган воқеани сўзлаб бердим.. Бечоранинг кўзларидан ёш тинмас эди. Ўша куни хотиним билан бирга Аллоҳга чин юракдан тавба-тазарру қилдик.

Вақти-соати етиб, кўз ёрадиган вақт ҳам келди..

Туғруқхона эшиги олдида, минг ҳаяжон билан, фарзандимнинг туғилишини кутиб турибман. Тўғриси, аввалги қизларимда бунчалик ҳаяжон билан кутмаган эдим, балки буниси билан, гарчи тушимда бўлса ҳам, сухбатлашганим сабаблидир.

Эшик очилиб, ҳамшира хурсанд кайфиятда йўлакка чиқди...

-Дадаси, суюнчини каттасини берингчи энди, чақалоқ туғилди, онаси ҳам, чақалоқ ҳам соғ омонлар...

Ҳамширанинг гапини эшитиб, эҳтиётдан ҳамёнимга солиб олган пулларни оларканман, унинг охирги сўзларидан караҳт аҳволга тушаёздим...

-Ўғилли бўлдингиз...

-Нима, ўғил??? Ростданми???...

Аллоҳимга шукур, меҳрибон ва раҳмдил Аллоҳимга шукур!!!

Бақирганча ёнимдаги мен каби фарзанди туғилишини кутиб турган ака-укаларни, уларни танимасамда, қучоқлаб, бир айлантириб ерга қўя кетдим...

-Кўрсам бўладими? – сўрадим ҳамширадан, қўлларига бир даста суюнчини тутқазаётиб.

-Ха бўлади, ҳозир палатага олиб чиқишиди, бир марта кўришга рухсат, фақат тинчлик сақланг.

-Хўп бўлади, деганча, худди ёш болалардай айтилган палатага югурдим.

Ҳаяжондан хотинимдан ҳол-аҳвол сўраш ҳам эсдан чиқиб кетибди. Тўғри чақалоқ ётган каравотчага қарадим.

Ётишини қаранг, жуда ширин, худди ўзим- а?

“Дадажон, мен ўша сиз тушингизда кўрган фарзандингизман” дегандай, қўлларини мен томонга, жилмайгансча чўзиб турарди.

“Алҳамдулилаҳ” дея аста пицирладим... Кўзимдан эса тинимсиз қувонч ёшлари оқар эди...

ҲАЖ МУБОРАК, ОНАЖОН!

Ўртадаги пулнинг чўфи камроқ эди. Абдураҳмон савол назари ила укаси Абдураҳимга қаради. Бу нигоҳ маъносини уқсан ини индамай бошини қуий эгди. Сукут узоққа чўзилди. Ака бардош билан важ кутди. Ини

каломга журъат этолмади. Аммо, ота ўрнидаги жи-гарбандни зориқтироқ изтироби индамай кутилмоқ ҳаловатини пучга чиқариши тайин эди. Унинг тоқати тоқ бўлди, чидамади. Бағри чок-чокидан сўкилиб, арзиҳоли анор донасидаи сочилди.

-Кечиринг ака, келинингиз тишини тузатмоқ ниятида сармоядан улуш олиб қолибди.

Абдураҳмон чурқ этмади. Тезгина юзига қўлларини тортиб, дуо ўқиди-ю, ўрнидан илкис қўзғалди. У дарво-захона ёнига етганида Абдураҳим чопиб бориб йўлини тўсди.

-Эрталабгача муддат беринг, ака?!

Ака узун панжаларини укасининг дуркун елкасига ташлади.

-Хижолат чекма! Йўлини топамиз!

Чиндан ҳам йўли топилди. Абдураҳимнинг чекига тушган маблагни қолган беш оға-ини қоплади. Эртаси оғайнилар саф тортишиб, ота уйига – кенжатой Абдужа-лил билан яшаётган волидаи муҳтарамалари ҳузурига келдилар. Худди кўк теракдай қадди-басти келишган фарзандларини кўрган Момохон бувининг кўзларида ёш айланди. Ўзи доим шунаقا. Дарвозадан қулиб кириб келаётган ўғилларига нигоҳи тушиши билан юрагини ажиб бир нозик ҳиссиётлар чулғаб олади. У бу туйғулар мағзини аллақачон чақиб улгурган. Бу албатта, етказ-ганига шукроналик туйғуси эди. Айни пайтда бир этак фарзандлари билан қолиб, гоҳида қозони қайнамай, тандирига чўғ тушмай, совуқ даҳлизда муштига тупуриб ўтирган кезларини ҳам ўйламай қолмасди. Олти ўғилни отасиз ўстириб, тарбияламоқ учун тегирмон тошидай бардош керак эди. Момохон бувининг тоқати тоғдан-да залвори чиқиб қолди. Қариндошлар бир бурда нону бир илим ёғга зикналик қилишган пайтларида ҳам бировга даҳанини очмади. Қон талашган қариндошки, уларнинг

юпунлигидан, камбағаллигидан уялибми, етти ёт бего-
надан рўшнолик кутишга не ҳожат.

Улар чувалашган арқон каби тизилишиб, далага бо-
ришар, қуёш пешонадан тиф урганига қарамай тер тўки-
шар, шом қоронғусида ғарибгина ҳужрасига қайтишиб,
обиёвғон топишса шодланиб, топишмаса озорланиб,
уйқуга ётишарди.

Аллоҳ ризқни қуритмаса бандаси ўлмас экан. Бир
тишлам гўштни тишига босмаган, қорни тўйиб овқат
емаган ўспиринлар йиллар қанотида кўзга кўриниб
қолдилар. Абдураҳмон саккизинчи синфдан сўнг ду-
радгорга шогирд тушди. Кейин унга Абдураҳим, сўнг
Абдуманноб, Абдуҳошим кўшилди. Ўспиринлар баҳ-
тига уста анчагина қаттиққўл ва талабчан эди. Уч йил
пойтеша судраган тўнғич ўғил тўртинчи йили устанинг
оқ фотиҳасини олди. Энди у укалари билан бирга кат-
та-катта иморатларга кўл ура бошлади. Тор ва зах хужра
тўрт хонали ҳовли-жойга алмашди. Момохон бувидан
бўлак аёл зоти кўринмайдиган хонадонга бирин-сирин
қош-кўзи попукдай келинчаклар қўндирилди. Уйлар
кўпайди, тўйлар кўпайди, орзу-ҳаваслар ортгандан-ор-
тиб бораверди.

Олти ўғилдан учтаси фермерликка ўтиб кетишли.
Даромад худди ёмғир сувидай оқиб кирав, унинг да-
ромадини Абдураҳмоннинг ўзи ақл билан, сарбоғиша
жой-жойига қўярди.

Шу йил бошида у укаларини ўз уйига тўплади.

-Бу йилги даромаддан онамизни ҳаж зиёратига жў-
натамиз!- деди у қатъий.

Жигарлар бу таклифга бажонидил розилик билди-
рдилар. Фақат ўртанча ўғил Абдураҳим оғиз очмади.

-Сенда бошқа мақсад бормиди?- сўради Абдураҳмон
уласининг очилмай ўтирганини кўриб.

-Ха,-деди бошини күттармай ука,- ҳали онам қарип қолгани йўқ. Яна уч-тўрт йил вақт бор. Унга қадар битта машина сотиб олсан дегандим.

Машина ҳақидаги гап янгилик эмасди. Чунки оила катталашгани сайин унга эҳтиёж тобора кучайиб борарди. Лекин, масаланинг бошқа жиҳати ҳам йўқ эмасди. Машина харажатларни ошириб, рўзғор халтасига салмоқли зарар етказишини Абдураҳмон тушуниб туради.

-Биласизларми, нега айнан шу йил онамизни ҳаж зиёратига жўнатмоқни ихтиёр этаяпмиз?- ўртага савол ташлади у,-бунинг боиси шундаки, келаси йиллардан тўйлар мавсуми бошланади. Унда вазият яна чигаллашади. Келинглар, бир ёқадан бош чиқариб, фарзандлик ҳаққини адо этайлик.

Абдураҳим энди бошқа тарафдан “хужум”га ўтди.

-Онамизнинг бир ўзини юборолмаймиз, унга маҳрам керак.

-Тўғри,- унинг гапини маъқуллади ака,- албатта маҳрам керак. Бу вазифани сен уddeлайсан.

Абдураҳмон ҳайрон бўлиб ҳаммага бир-бир қараб чиқди.

-Кўйинг ака, ахир сиз туриб менга йўл бўлсин!

Ака мақсадини аниқроқ тушунтириди:

-Шошма, гапимга қулоқ сол. Сен мендан кўра муносиброқсан. Биринчидан, араб тилини билсан, иккинчидан, ибодатинг мукаммал, учинчидан, ака сифатида мен шуни хохляяпман...

Йигитлар тўнгич аканинг одиллигига яна бир бор тан беришди. Ҳозир ҳаж зиёратига ўзини муносиб қўриши укалари юрагида эҳтимолки, бадгумонлик уйғотиши, бунинг оқибатида улар билиб-билмай гуноҳга ботиши мумкин эди. Ҳаёт ўзи шунаقا, қаерда йўлбошчи нафси-ни тийса, истагини жиловласа, керак пайтда ўзининг манфаатларини четга сурив турса, ўша жойда норози-

лик келиб чиқмайди. Абдураҳмон бу ёзилмаган олтин қоидага болалигидан амал қилиб ўрганган эди...

Фарзандлари ташрифини ҳамиша қувониб қарши-лайдиган она дарров кенжә келининг фармойиш берди.

-Орзихон қизим, акаларингиз кеп қолишиди, уларни очик айвонга чорланг, чой қўйинг, дастурхон ёзинг.

Сўнг ўзи болаларини бирма-бир бағрига босаркан, яна бояги ҳолат такрорланди. Юраги ҳалимдай юмшаб, йиллар сурати чизилган чехраси-ю, киртайган кўзларида севинч сиймоси зуҳурланди. Айни чоқда бу кунларни кўролмаган Абдукарим тракторчининг сўнгти нигоҳида қотган армон ва ўкинчи ҳам ёдига тушди-ю, қалбидағи орзиқиши яна ҳам кучайди.

-Она, нега қулиб йиғлайсиз, йиғлаб куласиз-а?- Абдураҳмон онасининг дил торини чертишга уриниб ярим ҳазил оҳангда гап қотди.

Соддадил аёл соддагина жавоб қайтарди.

-Мен қаёқдан билай болам! Шу энди сизларга қувонаман-да.

Йигитлар даврасида бир пиёла чой айлангач, тўнғич ўғил муддаога кўчди.

-Биз ўзаро маслаҳатлашиб, сизни ҳаж сафарига юбормоқчимиз, мана пул.

Оппоқ дуррага туғилган анчагина маблағ дастурхонга қўйилди.

Момохон буви дабдурустдан эсанкираб, тилига қалима келмай болаларига жовдирашиб қараб чиқди. Кейин қўлларини очиб, узундан-узоқ дуо ўқиди. Аммо, таклифга кўнмади.

-Ҳали олдимизда шунча иш турибди, ҳажга бориш қочмас,- деб тайсаллади.

-Масала аллақачон ечилган, ҳатто ҳаж зиёратига борувчилар рўйхатига ҳам киритилгансиз,- деди бу сафар

Абдужалил акасининг фикрини маъқуллаб,- хуллас, са-
фар тадоригини кўраверинг.

Момохон буви тугунни қўлига ушлаб чамалади.

-Ўҳ-ҳў, бу жуда катта пул-ку?

-Бирлашган ўзар, деганларидай бу маблағда ҳар би-
римизнинг баҳоли қудрат улушимиз бор. Ҳозирча бу
оилавий сир бўлиб қолсин.

Йигитлар анча гурунглашишди. Баҳамжиҳат тушлик
қилишиб, уй-уйларига тарқалишди...

Мана шувоқеага ҳам бир ойдан ошди. Рўза ҳайитидан
кейин исломнинг бешинчи рукнини адо этувчилар
ҳаракатга тушиб қолишишди. Абдураҳмон елиб-югуриб
ҳамма хужжатларни тўғриларди. Навбат пул топши-
ришга келди. У такси ёллаб, ота хонадонига келди.

-Она, пулни опчиқинг,- деди у дарвозадан кира со-
либ. Момохон буви ўғли билан саломлашгач, уни чорпо-
яга таклиф этди. Аммо, вақт зичлиги учун Абдураҳмон
уни шоширди.

-Бугундан қолсак, яна бирон ишқаллик чиқмасин,-
деди у худди ўзи сафарга отлангандай ҳаяжонланиб.

Онахон хотиржам эди.

-Бўлақолинг она, кўчада машина кутиб турибди,-
деди у бетоқатлик билан. Онаизор ўғлига яқинлашиб
унинг қўзига тикилди.

-Жон болам, шу ҳайдовчига жавоб бериб тур.

Абдураҳмоннинг ҳайронлиги ортди.

-Нега она?

-Гап бор!

-Ҳозир гап сиғмайди. Банк эртага ишламас экан. Ав-
вал пулни топшириб келай, кейин суҳбатлашамиз.

Она ўғлининг кенг елкасидан тутиб, ўзига қаратди.

-Болам, мени маъзур тут.

Абдураҳмон сергак тортди.

-Тинчликми ишқилиб?

-Хавотирланма, албатта тинчлик. Фақат мен сизлардан бесүроқ бир иш қилиб қўйдим.

-Нима бўлди, тезроқ айтинг!

Момохон буви айвон зинасига ўтирди. Абдураҳмон ҳам унинг қаршиисига чўқди.

-Болам, мен Каъбатуллоҳга боролмайман.

Йигитнинг ранги ўчди, кўзлари пир-пир уча бошлиди, кенг пешанаси тиришди.

-Нега, одамни қийнамай очикроқ сўзланг?

-Биласанми, қўшнимиз Ойнисанинг уйига ўт тушиб, бешта қизи билан кўчада қолганди.

Ҳозир ўғилнинг фикри-хаёли банкка пул топшириш билан банд эди. Шунинг учун ўртага ташланган масала моҳиятига аҳамият бермади.

-Бундан хабарим бор. Ўшангда маҳалла қараб турмабди, ахир бир ойга қолмай уйини тиклаб олишди-ку.

-Тўғри, уй битди, мискинларнинг ҳожати чиқди.

-Ҳа, маҳаллага раҳмат, тезда пул йиғиб беришди. Аммо, бу гапнинг сизга қандай алоқаси бор?

Она кўзларини яширишга чоғланди.

-Алоқаси шуки, маҳалла ўрнига...пулни мен бергандим!

Абдураҳмон сапчиб ўрнидан туриб кетди.

-Нималар деяпсиз. Ахир бу пулни йиққунимизча она сутимиз оғзимизга келганди-ку!

Онаизор уни тинчлантиришга уринди.

-Биламан.

-Билиб туриб, шу йўлни тутдингизми она?

-Ҳа, фақат мени айблама. Ҳар сафар қоп ўралган очиқ сўрида ётган қўшнимни кўрганимда уйдаги пул кўзимга нажот қалитидай туюлаверди. Рости бир ҳафтагача ўйландим, сизлардан ҳайиқдим. Бироқ, вақт ўтган саин юрагимдаги ғашлик кучаяверди. Қаёқдан ҳам шунча пулни бериб кетган экансан. Хуллас, бу пул эмас,

нақд азоб, ташвиш бўлди. Нихоят, бир қарорга келдим. Маҳалла номидан уни Ойнисанинг қўлига тутқаздим. Агар ўзимники, десам олмасди, андишага борарди... Ишонасанми, тугунни топширдим-у, елкамдан тоғ ағдарилгандай туюлди, рухим енгиллашди.

Болам, мени тушун! Бундан ўн беш-йигирма йил илгари худди Ойниса каби ночор, хокисор эдик. Ўшанда қариндошлар биздан юз ўтиришганди. Бироқ шу Ойнисанинг дадаси Наби ота, онаси Қумрихон хола битта нон топса ҳам бизга, сизларга илинишарди. Ўзлари бой – бадавлат эмасди, лекин ҳиммати улуғ эди. Энди мулоҳаза қил, Ойниса очиқ осмон остида бир қучоқ норасида қизлар билан қолса-ю, мен ҳаж сафарига чиқсам... Айтчи, шу ҳолда муродим ҳосил бўлармиди, кўнглим чинакам таскин топармиди? Бу пулни менга инъом этдинглар, мен бир бечоранинг ҳожатини чиқардим. Хоҳласанг, мени айбла, истасанг қайтиб ёрдам берма... Аммо билки, мен ҳаж ибодатини адо этганимда ҳам ўзимни ҳозиргидай ҳаловатли ҳис қилолмасдим. Билсанг, фарзандларим пешона тери билан ишлаб топган пул яхшиликка, бир бечора корига яраганидан бошим осмонда.

Абдураҳмон бошини кўтариб, онасига боқди. Бу нуроний чехрада ажиб бир нур жилолангандай туюлди. Ва бу нур унинг ҳам қалбига оқиб кираётганини англади. Кўзларида илк бора ёш ҳалқаланди. Етимликнинг не-не оғирлигини кўриб, қотган дийда меҳр ва саховат ёғдусида эриётгандай эди. У кучоғини катта очди.

Момохон буви хавотирланиб ўзини четга тортди. Аммо шу топда қушдай енгил гавдаси фарзанди бағрига сингиб бораркан, Абдураҳмоннинг кўзларида ёш билан титраб айтган сўзларидан ҳайратда қотди.

-Ҳажингиз муборак, онажон!

Момохон буви шу бир оғиз лутфдан боши кўкка етганини англади.

САХОВАТ ҲАМ ИБОДАТДИР

Назар сол атрофингга, қанчадан қанча ночор,
Мұхтожлиқдан қийналиб, тунлари ўтар бедор.
Ёрдам қилиб уларга, бўлгин сен ҳам нажоткор,
Саховат қил, саховат ҳам ибодатdir.

Кўп бўлса гар савоб ишинг сармояси,
Бўларкансан Пайғамбарнинг ҳамсояси.
Паноҳ бўлар шунда Унинг ҳимояси,
Саховат қил, саховат ҳам ибодатdir.

Етимларга бўлсанг агар сен мададкор,
Қуриб ётган боғини қилсанг мевазор.
Аллоҳнинг Ўзи бўлар сенга халоскор,
Саховат қил, саховат ҳам ибодатdir.

Ўйлаб кўргин, битта инсон қанча яшар?
Қурган уй-у уловидан кўз қамашар.
Лекин унга фақат саховат ярашар,
Саховат қил, саховат ҳам ибодатdir.

(Илҳом Қаҳҳоров)

НОГИРОННИЙ ГЛАТГАН ЙИГИТ

Ширақайф уч оғайни нимқоронгуда “Мўъжиза” деб
номланувчи чойхонадан чиқишиди.

-Машинани йўлнинг у четига қўйганман, - деди Но-
дир тишлари орасидан “чирт” этиб тупуриб. - Йўл-йўла-
кай сизларни уй-уйларингизга ташлаб ўтаман.

Улар катта йўлни кесиб, дараҳтлар орасидан ўти-
шаётганда, ногиронлар аравасидаги бир кишини таёғи
билан ўтларни пайпаслаётганини кўришиди.

-Ие, бу одам нима қилиб, адашиб юрибди, - деди Нодир беписанд.

-Кечирасизлар, йигитлар, - деди ожиз киши. - Адашиб қолдим. Маҳаллот күчаси томон йўлга солиб юборсанглар, илтимос.

-Тавба, ўзинг кўр бўлсанг, қоронғуда кўчада бало борми, - деди Нодир ғудраниб, - Мана бу томонга юрасиз, - дея тескари томонга буриб юборди уни.

-Бекор қилдинг, - деди Жамшид, - ахир кўзи ожиз, ногирон одам бўлса...

-Иккинчи бемаҳалда кўчаларда тимирскиланиб юрмайди.

-Балки бирор ҳожат билан чиққандир.

-Ташвишини емай қўйақол ўшани. Яна суриштириб, ўз йўлини топиб олар...

Улар машинага ўтириб, кўздан ғойиб бўлишди. Шароит тақозоси билан қоронғида кўчага чиқишга мажбур бўлган кўзи ожиз ногирон эса анчагача совуқда овора бўлди. Бошқа бир одамдан сўрагач, йигитлар томонидан алданганини тушунди ва аламидан йиғлаб юборди... Буни кўрган йўл кўрсатган киши:

-Мен сизни манзилингизгача обориб қўяман. Сизга нима бўлди, нега йиғлаляпсиз?- деб сўради.

-Менинг қаровчим онам бўлиб, тўсатдан касал бўлиб хушидан кетди. Опам Маҳаллот кўчасида яшайди. Уни тезроқ чақириб келиш учун қоронғида кўчага чиқишга мажбур бўлдим. Лекин йўлда учраган йигитлар негадир мени алдаб, бошқа томонга йўллаб юборишибди, анчагина вақтни йўқотдим. Ҳозир онам қай ахволда экан, хавотирланаяпман. Ҳеч қачон кўзи ожиз ногиронни кимдир алдаши мумкинлиги хаёлимга ҳам келмабди... Майли, Аллоҳ ҳаммасини кўриб турибди... Илтимос, тезроқ юрайлик!

Бу воқеа йигитларнинг ёдидан ҳам чиқиб кетган эди, лекин... Орадан уч ой ўтиб Нодирнинг хотинини тўлғоқ тутиб, туғруқхонага олиб келишди. Шифохона эшиги олдида машина калитини ўйнаб келаётган Нодирга онаси дуч келди.

-Ха, онажон, сизни набира билан табрикласам бўладими?

-Болам, хунук хабар. Хотининг ўғил туғди. Лекин бола ногирон, икки қўзи ҳам кўр! Ҳайронман, бизнинг уруғдан бундайлар ўтмаган.

Нодирнинг вужуди титраб, қулоклари ғувиллай бошлади. Беихтиёр қўз олдида ўша аравачадаги ногирон одам гавдаланди. Тили айланмай, тошдай қотиб қолди...!

ЕТИМЛАРНИНГ ҲАҚҚИ

Бу ҳикоя бўлиб ўтган воқеалар асосида гўрков тилидан ёзилди.

Қабристон мўминлар билан гавжум. Бир кекса аёл бандаликни бажо келтирганди. Имом қабристонга маййитани дафн қилиш учун келган эркакларга алланималарни тушунтирас, “Аттанг, аттанг, Аллоҳ кечирсин!” деб эшитилар-эшитилмас бош чайқаб қўярди. Шовқинсуронли баҳс мунозарадан сўнг:

-Марҳумани қабр қабул қилмаяпти. Бу кетишда шомга қолиб кетамиз. Бу банда қандай гуноҳ қилган экан-ки, лаҳадга уч бора қўйсак ҳам ер қабул қилмаяпти?! Аҳли мўминлар, сизлар унинг ҳаққига дуо қилиб туинглар, зора Аллоҳнинг раҳми келса...

Бу орада дуога қўл очган эркаклардан бири:

-Астағфируллоҳ, илон, илонлар! - дея орқага тисарилди.

Майитанинг устида қорамтирилганлар чирмасиб олган, гўрков уларни олиб ташлашга ҳарчанд уринмасин, лаҳаднинг ичидан қайнаб чиқаётгандек илонлар кўпайгандан кўпайиб борарди.

-Марҳуманинг турмуш ўртоғи шу ердами?- сўради иложисизликдан имом.

Нимагадир аввалроқ кўриниш бермаган эркак се-кин-аста одимлаб:

-Мен..., - дея жавоб берди.

-Бу аёлнинг қандай гуноҳи борки, ер қабул қилма-япти? Албатта, бу Аллоҳга аён. Аллоҳ ўзи кечирсин. Аёлингиз бироннинг ҳаққига хиёнат қилмаганмиди?

Эркак имомни четга олди.

-Бундан 13 йил аввал катта ўғлим вафот этди. Ундан ёдгор 3 фарзанд, 2 ўғил ва 1 қиз қолди. Ўғлимнинг вафотидан сўнг бева келиним ва набираларимга аёлимнинг муносабати ўзгарди. Охир-оқибат уларни уйдан ҳайдаб солди.

Маҳалла-куй орасида қаддим букилди. Кейин кичик ўғлимни олиб чет элга ишлагани кетдим. У ерда қурувчилик қилиб набираларимга уй учун пул тўпладим. Кичик ўғлим эса касбдош дўстлари билан чўмилишга кетганча, қайтиб келмади. Изламаган жойим қолмади. На тиригини, на ўлигини топа олмадим. Бу мудҳиш воқеадан кейин у ерда ҳам ишлай олмадим ва яна Тошкентга қайтдим.

Аёлимга набираларимга уй олиб бериш учун ишлаб топган бор-будимни бердим. Мен ахмоқ унга ишонибман. У эса пулларга қизим Саидага тилла тақинчоқлар олиб берибди. Пулнинг қолган қисмини эса ўз эҳтиёжига сарфлаб юборган. Мен қизимга:

-Онанг етимнинг ҳаққини юлиб, сенга тилло занжир олиб берса, олаверасанми? Ахир улар жигарингни болалари-ку? Уларга раҳминг келмайдими? - десам:

-У келин бегона, набираларингиз эса катта бўлса йўлини топиб кетади, - деб жавоб қилди.

Шу воқеадан сўнг, уйдан бош олиб чиқиб кетганман. Аслида, қизимнинг бу гапига тарсаки тортиб, ақлини киритиб қўйишим керак эди. Менга ҳам осонмас, бир ўғлим вафот этди, бири дом-дараксиз йўқолди.

Балки ўшанда аёлим норасидаларни уйдан ҳайдамаганида, мен ишлагани кетмасдим, ўғлим ҳам йўқолмасди, набираларим эса ўз ота уйида улғаярди ва аёлимни сўнгги манзилга бу каби аянчли ахволда кузатмасдик...

Бу гапларни эшитгач, имом чуқур хўрсинди-да:

-Бандасининг гуноҳларини Аллоҳнинг ўзи кечирмаса, биз ожизмиз. Ҳар қалай, қиз бўлса ҳам фарзандингиз бор экан. Ҳар куни келиб онаси учун, Аллоҳ розилиги учун Қуръон тиловат қилсин . Майиттанинг устидаги илонлар Аллоҳнинг амри билан келган. Улар етимнинг ҳаққини сўраш учун аёлингизни чирмаб олган. Ер эса бир пайтлар аёлингиз етим болаларни ҳайдагани учун унга ҳам жой бергиси йўқ.

Бироздан сўнг яна жаноза намози ўқилди. Имом тўпланганларга бир варақ қофоз тутқазди ва:

-Шу дуони баланд овозда ўқийсиз,- деди.

Атрофдагиларнинг кўзидан дув-дув ёш оқарди. Биз ҳам сенинг ҳузурингга боргувчимиз, гуноҳларимизни кечир!...

Отасидан имомнинг айтганларини эшитган қиз онаси учун дуо қилишга қабристонга келди. Не кўз билан кўрсинки, ер уни ҳамон қабул қилмаган, қабр устидаги майиттани итлар талаётганди. Қиз шу заҳоти ўз ўлимини, у ҳам онасининг гуноҳига шерик эканини, қачонлардир шу ахволга тушишини ўйлаб даҳшатга тушди. Ва қилган гуноҳлари учун тавба қилди. “Етимнинг ҳаққи -етти дарёни қуритар”деган гап нақадар тўғри эканлигига амин бўлди.

-Уларнинг ҳаққини бугуноқ қайтараман, ойим берган тақинчоқларни акамнинг етим болаларига бераман, уларни ўз ота уйига олиб келаман! - йилади ўзича. Орадан ярим соат ўтиб ота яна бир мудхиш хабарни эшилди:

“Кизингиз автоҳалокат туфайли ҳалок бўлди!”

Дунёнинг ишларини қаранг...

Килган гуноҳлари учун тавба-тазарру қилишга ҳам улгурмади бандаси..

Етим болалар ўз ота уйига қайтиб келди. Ҳозир бир пайлар ҳайдаб солган бувиси ва аммаси ҳаққига гуноҳларини авф этишини сўраб Қуръон тиловат қилишади.

МЕХРИБОН ОНА...

Брайн Тумор (бош миядаги ўсма) хасталигидан азобланётган аёлни касалхонага ётқизиши. Унинг ўғли ва қариндошлари ҳам шу ерда эди. Аёл бир неча соат ўтиб вафот этди...

Марҳуманинг ўғли кун бўйи йиғлади, токи овози чиқмай қолгунича йиғлади. Эртасига тоби қочган ҳолда уйғонди, кўп йиғлаганидан томоқлари оғриётган эди.

Ўғил онасининг ётоқхонасига кирди, стол устида мактуб ётарди, мактуб ёнида эса бир нечта дори (таблеткалар) бор эди.

Йигит қўллари титраган ҳолда хатни олди ва уни ўқир экан: «Онажон..., Онажонимей...»дея пичирларди, яна йиғлай бошлади.

Лекин бу сафар йигитнинг овози чиқмас, ҳеч нарса эшишилмас, йигит унсиз, юракдан йиғлар эди.

Хатда қуйидаги жумлалар ёзилган эди:

«Бу дориларни ичиб ол болам, биламан, кўп йиғлаганингдан кейин томоғинг оғриётган бўлса керак. Кўп йиғлама. Ўзингни эҳтиёт қил...Ойинг»

Мехрибон Оналаримизни борида қадрига етайлик!

ХАҚИҚИЙ МЕХР

Янги күзи ёриган она: “Боламни күрсам бўладими?” - деб сўради. Онанинг бағрига ўроғлиқ юмшоқ йўргакни кўйишди. Бахтиёр она фарзандининг митти юзчасини кўриш учун йўргакни очди ва тили калимага келмай, ўзини йўқотди. Она-бала ёнида турган доктор орқасига ўтирилиб, деразадан ташқарига қаради.

Гўдакнинг қулоқлари йўқ эди... Муолажалар, текширувлардан сўнг боланинг эшитиш қобилиятига зарар етмаганлиги, қулоғининг йўқлиги факат унинг ҳуснини бузиб турадиган бир нуқсон эканлиги аниқланди.

Орадан йиллар ўтди... Бола улғайиб, мактабга борди. Бир куни мактабдан уйга югуриб келди ва онаси-нинг қучоғига отилди. Бола ўзини тутолмай йиғларди. Бу унинг бошидан кечирган илк умидсизликка тушиш ҳолати эди. У йиғлаб туриб: “Катта синфдан бир бола мени “кулоқсиз” деб айтди”, – деди.

Бола шу нуқсони билан катта бўла бошлади. Дўстлари уни яхши кўришар, қолаверса, у синфнинг энг аълочи ўқувчиси эди. Жамоага тез қўшилиб-қоришиб кетиш қобилияти ҳам бўлганда, синф сардори бўлиши мумкин эди.

Онаси ўғлига доим: “Тенгдошларингга қўшилишинг керак”, – дер, лекин унинг қалбини ўғлига нисбатан чуқур ачиниш, раҳм-шафқат ҳисси эгаллаб бўлган эди.

Кунларнинг бирида боланинг отаси оила шифокори билан ўғли масаласида гаплашди ва шифокордан: “Бунинг ҳеч қандай давоси йўқми?” – деб сўради. Шифокор: “Агар бир жуфт қулоқ бера оладиган донор топилса, орган трансплантацияси амалга оширилиши мумкин бўлади”, – деб жавоб берди. Шундан кейин ёш йигитга қулоқларини бера оладиган донор излай бошладилар. Орадан икки йил ўтгач, отаси ўғлига: “Ўғлим, бугун ка-

салхонага ётасан, онанг билан мен сенга қулоқларини бера оладиган донор топдик, донорнинг кимлиги эса сир бўлади”, – деди. Операция муваффақиятли ўтди, йигит янгидан дунёга келгандаи бўлди. Янги кўриниши билан руҳияти ҳам тубдан ўзгарган йигит, ўқишда ва ижти-моий ҳаётда катта муваффақиятларга эриша бошлади, уйли-жойли ҳам бўлди, дипломат касбини эгаллади.

Орадан йиллар ўтди. Бир куни отасининг олдига келиб:

-Билишим лозим. Менга бундай яхшиликни ким қилди? Мен у инсон учун ҳеч нарса қилганим йўқ, - деди.

-Кўлингдан бирор нарса келади, деб ўйламайман, - деди отаси - Келишувимиз қатъий, ҳозир айтолмайман, вақти эмас.

Бу воқеа йиллар давомида сир сақланди. Кунлардан бир кун сирнинг очилиш вақти келди. Йигит ҳаётининг энг ёмон кунида, онасининг жанозаси тепасида турганда, у билан ёнма-ён турган отаси секингина марҳума онанинг бошига қўл узатди ва аёлнинг куюқ қаҳва рангли соchlарини тузатган бўлди... ОНАСИНИНГ ҚУЛОҚЛАРИ ЙЎҚ ЭДИ! Йигитнинг кўзларидан ёш отилиб чиқди... Шунда отаси ўғлига:

-Онанг ҳеч қачон сочини кесишга мажбур бўлмаслигидан бахтиёр эди. Ҳеч ким онангнинг гўзаллиги камайганини сезмади, шундай эмасми?- деб пичирлади.

Эҳ, меҳрибон она...!!!

ЙИҒЛАШ БАХТИ

Анча кеч кириб қолган, қишини кузатувчи кунлар эди.

Такси ҳайдовчисининг бекатда турган икки йўловчининг бирини қолдирганидан ҳайрон бўлдим. Аста яқинлашиб сабабини англадим. Ўртаёш йигит қўлтиқтаёқ билан бир аҳволда турарди.

Ҳамроҳ бўлдик. Соддагина, ажойиб йигит. Манзилига етай деганда ичкарироқ, йўли “чапроқ” манзилга имкон бўлса элтиб қўйишимни сўради. Кеч тушгани, “киракаш” эмаслигим, манзилим узоклигини рўкач қилиб уни йўл бошида қолдирдим....

Қанча юрдим билмайман. У йўлда кундузи ҳам бирор уловнинг учраши амримаҳол, пиёдаку етиб олса бўлар, лекин, этни чимчийдиган совуқ ва қўлтиқтаёқ билан....

Машинамни орқага бурдим. Йўл бошида совуқдан **дағ-дағ** қалтираб қўлтиқтаёқли йигит турарди. Машинанинг эшиғини очиб... Йиғлаб юборди... Менинг эса томоғимга нимадир тиқилди.

Манзилига элтиб қўйдим. Ўша пайт мени ҳам **хўнграб** йиғлагим келди. Афсус...

Англадимки йиғлаб, кўнгилни “бўшатиш” баҳти ҳам тангри суйган бандаларигагина насиб қиларкан.

АЁЛИМГА ХИЁНАТ ҚИЛДИМ...

Буни билиб қолди. Ҳеч нима демади, фақат кўзларимга кўзлари тўла ёш билан беш дақиқа термулиб турди-да, ичкарига кириб кетди...

Тунда унинг йиғиси овозини эшитдим... Тонг сахаргача йиғлаб чиқди. Ёнига бориб юпатолмадим... Тонг саҳар йиғи овози тўхтагани учун, мен ҳам ухладим...

Эрталаб уйғондим. Қуёш анча кўтарилиб қолибди. **Аёлим** мени уйғотмабди-да, деган хаёл билан ўрнимдан турдим. Негадир атроф жим-жит эди. Қарасам, у ҳали **ҳам** ўрнидан турмабди. Ёнига бориб уйғотгандим, турмади. У нафас олмаётганди....

Ўзимдан нафратланаман! Мана бугун уни бу **брұғ** оламни тарк этганига роса бир йил бўлди.

Унинг юраги хасталигини билар эдим. Билиб туриб нафсимнинг қулига айландим. Биз у билан барча ҳаёт қийинчиликларини бирга енгиб ўтгандик. У мени чин юракдан севган, оғир кунда ҳам ёнимда турган ягонам эди. Мен эса уни..... У йўқ..., лекин ҳали-ҳануз уни йўқлигига ишонолмайман... Уни қаттиқ соғинаман, кечалари ҳеч кимга сездирмай йиғлаб чиқаман... Ҳа, эркак киши ҳам ёстиқ тагига бошини яшириб йиғлар экан... Ўзимни ҳеч кечира олмайман!

Мен юзи қора гуноҳкорман... Вақт-соатим тугашини, Аллоҳ мени жонимни олишини кутаяпман... Чунки усиз ҳаётим маъносиз....

Дўстларим, сизларга фақат биргина нарсани айтмоқчиман: онангизни, аёлингизни, опа-синглингизни асраб-авайланг! Улар жуда таъсирчан, бизни меҳримизга зор! Уларсиз эса ҳаёт маъносиз экан. Яқинингни қадрини йўқотибгина биларкансан!

ҚАБРДАГИ ТИРИК ГЎДАКЛАР

Бу воқеа инсонийликдан маҳрум бўлган бераҳм ва қалбсиз инсоннинг қиссадидир. Бу қисса нафақат Миср халқини, балки жамийки араб давлатларида истиқомат қилаётган миллионлаб халқни йиғлатган ва ҳар бир ота ва онанинг қалбини ларзага солган қиссадир.

Аёл ҳомиласининг биринчи ойларидаёқ умр йўлдошидан айрилган ва ундан 4 ёшлиқ қизи бор бўлган. Вақт соати яқинлашган сари аёл туғиши жараёнида ўлим фариштаси келиб, унинг жонини олишини ҳис этар эди. Шундан сўнг у акасидан, вафот этгудек бўлса, қизига ва туғилажак гўдагига ўзи ғамхўрлик қилишини тайинлайди. Аёл касалхонага боргач, уни амалиёт хонасига олиб кетадилар. Аллоҳ уни гўдак билан сийлагач, ўлим фариштаси унинг руҳини олгани келади.

Ака синглисини дафн этгач, унинг икки фарзандини олиб уйига қайтади. Аёли болаларни кўргач, эрига ё у ёки синглисинг фарзандлари бу уйда қолишини айтиб, қичкира кетади.

Тоға болаларни олиб, наъузу биллах, тунда мақбара томон йўл олади. Синглисинг қабрини очиб, гўдакни қабрга қўяди. Кизчани қўймоқчи бўлганида эса, у йиғлай бошлайди. Шунда тоға унга шақилдоқли ўйинчоқни тутқазиб:

-Агар чақалоқ йиғлагудай бўлса, мана бу ўйинчоғи билан уни ўйнатгин. Мен эса сенга ҳар куни таом келтириб бераман, - деб қабрни ёпиб жўнаб кетади.

Эртасига эрталаб мозор ёнидан ўтиб кетаётса, қабр ичидан ўйинчоқнинг шақирлаган овозини эшишиб, кўрққанидан тезда ўтиб кетади. Бошқа сафар ўтиб кетаётса, яна худди шундай шақирлаган овоз эшитилиши биланоқ тезда қўрққанидан югуриб ўтиб кетади. Бераҳм тоға “бу қабр ичидан нима бўлаётган экан” деб ўйласа ҳамки у ерга анча вақтгача бормай қўяди.

Орадан ўн беш кун ўтгач, ўзи билан бир қанча одамни тўплаб, овозни эшитиш учун у ерга қайтиб боради. Одамлар ҳам у билан қабр томон йўл оладилар. Улар чиндан ҳам у ерда шақирлаган овозни эшитишлари биланоқ, қабрни очиб қарасалар, у ерда баданни зирқиратиб юборадиган даражадаги ҳолатнинг гувоҳи бўладилар. Қизалоқ ва гўдак она жуссаси ёнида тирик ўтирас эдилар. Одамлар қизалоқнинг тоғаси томонидан нималар содир бўлганлигини аниқлаш учун ўша заҳоти прокуратура ва ички ишлар органлари терговчилари ҳамда суд-тиббий экспертини чақирадилар. Қизалоқдан сўрайдилар:

-Сен ва мана бу кичкина гўдак икковингиз таомсиз, ичимликсиз қандай қилиб тирик қолиб, кунингизни ўтказдингиз?

Қизча жавоб беради:

-Укам йиғлашга тушганида унга ўйинчоғини шақиллатар әдим. Шунда онам уйқудан туриб, уни овқатлантирап, сүнгра яна ётиб уйқуга кетар әдилар. Агарда мен очиқсам мен танимаган оппоқ кийимли амаки келиб, менга таом берип, қайтиб кетар әди.

Суд-тиббий экспертидан қизча ва гүдак қабрдан чиқарилгандан кейин она танасининг ҳолати ҳақида сўралганида, у шундай деб жавоб берди:

-Субҳаналлоҳ, онанинг жуссаси дафн этилгандан кейин 20 кун ўтгандай эмас, балким худди утирик бўлгани каби ҳали ҳам илиқ...

Сўнгра мишлоблар болаларнинг раҳм-шафқатсиз бўлган жиноятчи тоғаларига синглисининг фарзандларини тириклайн кўмганлиги ҳақидаги айловни қўйиб, ўша захоти ҳибсга оладилар. У қалбларни ларзага солган жиноятини тан олади ва қамоқ жазосига маҳкум этилади.

Эслатма учун маълумот:

Мисрликларнинг қабри икки хил шаклда бўлади. Бири оддий қазилган қабр бўлса, яна бири ер остида пастқам этиб қурилган хоначалардир. Бундай хоначалар аёл ва эркакларга алоҳида этиб қурилади. Шунингдек бир киши сигадиганчалик қилиб қулфли эшик қўйилади. Янги майит қўйиладиган бўлса, эшикни калит билан очиб, зинапоядан тушадилар-да, жасадни эски майитлар билан ёнма-ён қўяверадилар.

БЕФАРҚЛИКНИНГ ЖАЗОСИ!

Такси ҳайдовчиси йўл четида қўл силкиган эркакни кўриб севинди. Тезгина унинг қаршисига бориб тўхтади. Эркак таксига ўтирди ва хавотир билан гапира бошлади:

-Илтимос, тезроқ юринг, шу орадаги кўчада...

Такси ҳайдовчиси бирор одамни олишни ўйлаганди, мижознинг гапини эшитиб юраги хижил тортди:

-Худо сақласин, жуда қўрқинчли ҳолат. Бир одамни тўрт жойидан пичоқлабдилар. Ҳозир танасидаги қон буткул оқиб кетиб, ўлиб қолиши мумкин. Бирор ёрдам бермайди, ҳамма тўпланиб олиб томоша қилаяпти. Қанчалик ҳиссиз, шаефқатсиз оломонга айландик! Ёрдамга муҳтож, жони узилаётган одамни томоша қилиб туришибди. Ҳайдовчининг юраги сиқилди: “Машинамга қон оқади”. Йўловчи давом этарди:

-Ҳозир иккита машина ярадорни олмади, ишонгим келмайди-я. Бир инсон қони тугаб, жон бераяпти, улар раҳм қилмай олдимииздан газни босиб ўтиб кетди. Мана, келдик, ярадор шу одамлар тўпланган жойда. Такси ҳайдовчиси:

-Қани, сиз ярадорни олиб келинг, мен машинани унинг олдига олиб бораман, вақт йўқотмайлик, - деди. Йўловчи машинадан тушди ва тўпланганлар орасига кириб “йўл беринг, такси келди” деб бақирди. Аммо ярадорнинг ёнига бориб улгурмасдан, машинанинг узоклашган овозини эшитиб ортига ўгирилди. Рақами кўринмасин деб орқа чироқларини ёқмай таксининг тезлик билан узоклашаётганини кўрди. Эркакнинг юраги эзилиб, йиғламсираган овозда: “Ё, Раббим! Нима бўлди бизларга?”, дея ерга умидсиз чўккалади.

Такси ҳайдовчиси пешойнадан орқага сўнгги бор қаради. Бақир-чақирлардан жаҳли чиқди: “Менга нима?

Қонга беланиб ётган ярадорни ол, машинани булға...
Бошқа такси йўқми? Топилиб қолар мендан бошқаси!"

Шу пайт қўй силкиб тўхташ ишорасини берган мижозни кўриб, хаёлларини йигиштириди. "Мижоз дегани шунаقا, кутилмаганда йўлингдан чиқиб қолади", дея бояги тумонат одамни ҳам, пичоқланиб ўлим ёқасида ётган ярадорни ҳам унуди.

Такси ҳайдовчиси ўша кеча бир муддат ишлаб, уйининг йўлини тутди. Яхшигина пул топиб, хотиржам уйига кириб келаётганида, эшик олдида ўзини кутиб турганларга кўзи тушди. Хавотирланди. Машинасини гаражга қўйиб, сўнгра вазиятни билмоқчи эди бир қўшниси тўхтатди уни:

-Машинани жойлаштирмай тур, балки керак бўлиб қолар...

Ҳайрон бўлиб машинадан тушди. Эшик олдида йиғлаётган хотини ва болаларига яқинлашди:

-Нима бўлди? Хотини йиғлаганча бўйнига осилди:

-Укангиз вафот этди!

-Акам?! Нега?

-Пичоқлаб кетишибди. Кўп қон йўқотиб, ҳалок бўлибди.

Такси ҳайдовчиси ваҳима билан овозини баландлатди:

-Қаерда? Қачон?

Хотинининг жавобини эшитиб ерга чўккараб қолди. Кўз олдидан машина фараларини ўчириб қочган кўчаси ва тўпланиб турган тумонат томошабин ўтди. Тумонат ичидагонга беланиб ётган, ўзига музтар тикилиб турган укаси кўринди гўё. Қисқа сониялар ичидаги укаси билан бирга ўтказган йиллари кўз олдидан ўтди...

Укасини кўтариб ўйнагани-ю, уни илк бор сузишга ўргаттганлари... Уйга йиғлаб келган укаси-ю, уни кў-

чага чиқиб ҳимоя қилгани... Укасининг хурсанд бўлиб: “Мени сиздай ҳимоячим борлиги қандай яхши-я! Ака-жон, сиз мени доим ҳимоя қиласиз-а, мени ҳеч қачон ташлаб қўймайсиз-а?!” деган башоратомуз гаплари эсига тушиб, кўзларидан ёш тирқираб отилиб чиқди, юраги эзилди... Паст овозда “Кечир мени, укажон, кечи-иинир!” деб мадорсиз йиқилдию, ҳушидан кетди...

Азизлар, бир-биримизга бефарқ бўлмайлик! Кўчадаги ёрдамга муҳтож бегона ҳам кимнингдир ота-онаси, фарзанди, aka ёки укаси, жигари... Яхшилик қилишга ошиқайлик!

МУНДАРИЖА

Муқаддима	3
Ноқобил фарзанд	5
Мен сиз учун армон бўлдим	7
Фариштанинг дуоси	10
Эслатма	12
Дунёда мен курсанд бўлиб юрардим	14
Мехрингизни яширманг	15
Соябон кўтарган болакай	19
Чин ихлос	20
Оқладар	21
Оқладар (<i>шебр</i>)	23
Ота меҳри	24
Таъзияхонадаги таъсири воқеа	25
Харбий хизматда бўлган воқеа	27
Болам, қорнинг оч эмасми?	28
Тухматнинг жазоси	29
Бомдодга уйғотинг, онажон!	33
Куруқ кўл	35
Дорининг ҳақиқий нархи	36
Нега йиғладим?	37
Кенжা қизнинг ноласи	38
«Саховат халтаси»	39
Васият	40
Ер ҳам қабул қилмаса	41
Касаллик давоси	46
Яна беш дақиқа	48
Фарзандингизни қарғаманг	50
Риёкор эҳсони	50
Ҳақиқий муҳтоҷ	51
Ноўрин рашқ	52
Аллоҳнинг мўъжизаси	53
Сенга Аллоҳ кифоя қилсин	54

Пост	57
Ота	58
Тұхматнинг жазоси.....	60
Фойибона яхшилик	63
Олма сотувчи амаки	65
Масжид имоми айтиб берган воқеа	67
Ижобат бұлған дуо	68
Қиз фарзанд	70
Хаж муборак, онажон!	71
Саховат ҳам ибодатдир	79
Ногиронни йиғлатған йигит	79
Етимларнинг ҳаққи	81
Мехрибон она	84
Ҳақиқий меҳр	85
Йиғлаш баҳти	86
Аёлимга хиёнат қилдим	87
Қабрдаги тирик гүдаклар	88
Бефарқликтің жазоси	91

Илҳом ҚАХҲОРОВ

ЎҚИНГ, ФАҚАТ ЙИҒЛАМАНГ...

Муҳаррир: А.Тилавов

Техник муҳаррир: Ю. Ўринов

Мусаҳҳиҳа: И. Захидова

Бадиий муҳаррир: Н.Муҳаммедова

Нашр.лиц. № AI 245, 02.10.2013.

Теришга 13.04.2018 йилда топширилди. Босишига
24.09.2018 йилда рухсат этилди. Бичими: 60x84 $\frac{1}{16}$.
Офсет босма. «PT Serif» гарнитураси. Шартли б.т. 6
Нашр б.т. 5.58. Адади: 10 000 нусха. Буюртма №48.
Баҳоси шартнома асосида.

«Sano-standart» нашриёти, 100190, Тошкент шаҳри,
Юнусобод-9, 13-54. E-mail: sano-standart@mail.ru

«Sano-standart» МСНJ босмахонасида босилди.

Тошкент шаҳри, Широқ кўчаси, 100-уй.

Телефон: (371) 228-07-96, факс: (371) 228-07-95

ЎҚИНГ, ФАҚАТ ЙИҒЛАМАНГ



“Sano-standart”
нашиёти

ISBN 978-9943-5462-7-1

9 789943 546271



Men izlagan kitob



347 members, 47 online

Owner: Mirzadavlat UMAR

Info

Vaqt borida şox asarlarni öqib qoling, aks xolda, bunga ulgurmaysiz!

G.Toro

⚠ Qöllanma:

Kitob izlash, muallif ismi va kitob nomi

🚫 Man qilinadi:

- ortiqça çat
- haqorat
- reklama
- qizlar şaxsiysiga yoziş



🎙 Voice of books (yangi loyihamiz)

@kitoblar_ovozi

t.me/kitob_kerak

Invite Link

Telegram kutubxona @kitob_kerak



@kitoblar GET
FULL CREATIVE
MAKINS.COM ovozi

